O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 17-mart • Payshanba • 32-33 (27.368) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

ЛЮБЛЯНА, 16 март. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи олий мартабали меҳмонни «Брдо» қасрида расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Бу ерда икки давлат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон ва Словения Президентлари Ислом Каримов ва Янез Дрновшекнинг яккама-якка суҳбатида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, сайёҳлик, бизнес вакилларининг мулоқотини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш, сармоя соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида фикр алмашиб, мавжуд имкониятларни таҳлил этдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Словения ҳукуматлари ўртасида автомобилда йўловчи ва юкларни халқаро ташиш тўғрисида, икки мамлакат савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словениянинг Новолюбляна банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Словения пойтахти Любляна шаҳри маъмурияти раҳбари Даниц Симшич хоним билан учрашувида тадбиркорлик ва сайёҳлик соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Любляна шаҳри фахрий меҳмонларининг Олтин китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов «Брдо» қасрида Словения Миллий кенгаши раиси Янез Сушникни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқилди.

Шу куни Словения Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Словения тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Тадбир якунида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Словениянинг «Рене тур» сайёҳлик агентлигининг ҳамкорлиги тўғрисида битим ҳамда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва Словениянинг экспорт корпорацияси ўртасида факультатив қайта суғурталаш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Словенияга расмий ташрифи давом этмоқда.

Наврўз арафасида

СПОРТ МАЖМУИ ҚУРИЛИШИДА

Қарши шаҳрининг кўзга кўринарли гўшаларидан бирида бугун 1200 ўринли замонавий услубда Олимпия заҳиралари спорт мажмуи барпо этилаяпти. Йигирма гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган ушбу қурилиш объектида пудратчи ташкилот — «19-Қашқадарёдеҳқонқурилиш» акциядорлик жамиятининг қўли гул қурувчилари меҳнат қилишаётир.

— Тендерда ғолиб чиқиб, 8 миллиард 103 миллион сўмлик лойиҳа қийматига эга ушбу иншоотни қуриб беришни зиммамизга олдик, — дейди пудратчилар раҳбари Ҳайит Тожиев. — Объектни мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Айни пайтда 1000 нафардан кўпроқ бунёдкорларимиз шу мақсад йўлида астойдил ишлашмоқда. Насиб этса, ушбу мажмуа вилоятдаги энг муҳташам кошоналардан бири бўлади.



Суратларда: мажмуанинг қад ростлаган бинолари; пайвандловчи Ибрагим Халилов ва ғишт терувчи Дўстиёр Соатмуродов.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎзХДП янгиликлари

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раиси Аслиддин Рустамов бошқарган йиғилишда депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг 2005 йилга мўлжалланган режаларини шакллантириш тўғрисидаги масалани муҳокама этдилар. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов ахборот бергач, депутатлар қизғин баҳс-мунозарага киришдилар. Қуйи палата қўмиталарининг жорий йилга мўлжалланган иш режаларига танқидий руҳ билан ёндошган фракция аъзолари партиянинг Сайловолди Платформасида баён этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўзларининг кўплаб таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Айниқса, баъзи қонунларга тезроқ ўзгартиришлар киритиш ёки янги қонунлар яратиш заруратини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бундай қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда сув билан ҳаводек зарурлиги қайта-қайта таъкидланди.

Қонунчилик палатаси йиғилишларида фракция аъзоларининг чиқишларини мувофиқлаштириш, фракция нуқтаи назарини ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек фракциянинг парламентдаги фаолиятини такомиллаштириш масалаларига ҳам урғу берилди ва шулар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

✧✧✧

Суратда: фракция ишидан лавҳа.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДП Қува туман кенгаши «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда фаол хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари иштирокида «давра суҳбати» ўтказди. Унда иштирок этган туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Юсупова, туман партия кенгаши биринчи котиби И.Хонкелдиев ва соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кучайтириш, бу ишда барча жамоат ташкилотларининг фаол иштирок этиши ҳақида фикр билдирдилар.

Хивалик тадбиркор ЎзХДП аъзоси, халқ депутатлари Хива туман Кенгаши депутати Собир Ҳасанов партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишда доимо фаол иштирок этиб келади. Ҳар йили унинг ҳомийлигида Наврўз байрами кенг нишонланади. Бу йилги байрам тадбирига «Ичан қалъа» маҳалласининг ёлғиз қариялари, Хива шаҳрининг барча маҳаллаларидан уруш ва меҳнат фахрийлари, тумандаги 97-ва 121-сонли махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари таклиф этилди. Уларни туман маданият бўлимининг хонанда ва раққосалари куй-қўшиқ, рақслари билан хушнуд этдилар. Дастурхонга сумалак ва ош тортилди.

ЎзХДП Қоракўл туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги тиббиёт касб-ҳунар коллежида «Муқаддассан аёл» мавзуида учрашув ўтказилди. Унда сўзга чиққан ХДП аъзолари, онахонлар З.Тошпўлатова, З.Ҳамидова, Э.Маматовалар талабаларга ўз ҳаётий тажрибаларидан, юртимизда аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳақида гапириб бердилар.

ЎзХДП Вобкент туман кенгаши биринчи котиби Т.Авезов ва Қизил ярим ой жамияти бўлими раиси Ю.Бобомуродов байрам арафасида 1-гуруҳ ногирони Рамозон бобо Холиқов ҳамда 105 ёшни қаршилаган Саломат ая Ҳаитовалар хонадонларида бўлиб, уларни кириб келаётган Наврўз байрами билан табрикладилар ва қиммат-баҳо совғалар улашдилар.

ЎзХДП Шофиркон туман кенгаши ва туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари 100 ёшдан ошган инсонлар хонадонларида бўлишиб, уларга байрам совғалари топширишди.

ЎзХДП Қоракўл туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида «Диний экстремизм, унинг кўринишлари ва аянчли оқибатлари» мавзуида семинар ўтказди.

Фурқат туманида бўлиб ўтган «Намунали маҳалла аёли» кўрик-танловини ташкил қилишда ЎзХДП туман кенгаши ҳам фаол иштирок этиб, ғолибга ўз совғасини тақдим этди.

ЎзХДП Кўшкўпир туман кенгаши томонидан Кенагас қишлоғида уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаолларининг ёшлар билан учрашуви ташкил қилинди. Улар ёшларга ўзларининг ҳаёти мисолида озодлик, мустақилликнинг қадр-қиммати ҳақида қизиқарли ҳикояларни сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Қутлуғ кунлар арафасида Булунғур туманидаги «Чўянтепа» ширкат хўжалигининг Мўғол қишлоғида 13-умумий ўрта таълим мактабининг 420 ўринли ўқув биносига яна 420 ўринли янги ўқув-машғулот бинои ҳам қўшилди. Илгари 1750 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари таълим оладиган ушбу масканда машғулотлар икки навбатда олиб бориларди. Туман ҳокимлиги ҳамда ширкат хўжалиги саъй-ҳаракати билан қад ростлаган янги бинода энди ҳамма шарт-шароитлар муҳайё: кўркам ўқув хоналари, замонавий техника воситалари, компьютерлар...

— Тўғриси, бундай имкониятларни илгари хаёлга ҳам келтирмасдик, — дейди **мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Мақсуда Шаймова**. — Ўқувчиларимизнинг кайфиятлари наврўзона... Улар компьютерлар билан бемалол тиллаша бошлашди. Замон талаблари даражасидаги кўргазмали қуроллар нафақат ўқувчиларнинг, балки ўқитувчиларнинг ҳам машғулотларга иштиёқини оширди. Энди «Мактабинг қани?» — деганда ғурурланиб кўрсатишга арзигулик илм масканимиз бор... Кеча янги кун ва янги мактаб шарафига яхши ният билан ўстирилган майсадан дошқозонда баҳор таоми — сумалак тайёрладик...

«ЧЎЯНТЕПА»ДА ЯНГИ МАКТАБ

Суратларда: янги мактаб биноси ва компьютерлар хонаси.

Ҳусан ТЎҒИЗБОЕВ олган суратлар

Ўзбекистон — Германия:

МОЛИЯВИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Бонн шаҳрида 2005 –2006 йилларда молиявий ҳамда техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлараро музокаралар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз делегациясига Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Ш.Абдуллаева раҳбарлик қилди.

Мезбон мамлакат делегацияси раҳбари — Германия Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлигининг Жанубий ва Шарқий Европа, Осиё ва Афғонистон масалалари бўйича мухтор вакили Р.Гёрделер тадбир чоғида Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиё минтақасидаги устувор шериклари-дан бири ҳамда ўз мамлакатининг федерал ҳукумати Ўзбекистон билан молиявий ва техникавий ҳамкорлик доирасидаги алоқаларни ривожлантириш ниятида эканлигини таъкидлади. У Германия томонининг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга берган юксак баҳосини изҳор этди.

Музокаралар чоғида икки томонлама молиявий ва техникавий ҳамкорликнинг мавжуд ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилиши баробарида 2005-2006 йилларда-ги ҳамкорликнинг кўламлари юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор маҳаллий ва халқаро ташкилотларда ҳам бўлишиб, учрашув ва музокаралар ўтказдилар. Жумладан, Чўлланишга қарши кураш бўйича БМТ Конвенциясининг ижрочи котиби Г.Калберматтен билан учрашув доирасида Марказий Осиёда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мавзуига бағишланган лойиҳанинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Мулоқот пайтида Оролбўйи ҳудудидаги аҳволни яхшилаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА

ИДОРА ЎРНИДА ШИФО МАСКАНИ

Туманнинг Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида 3 та маҳалла бор, унда 9 минг 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шу пайтга қадар хўжаликда тузукроқ тиббиёт муассасаси бўлмаганлиги боис хўжалик аъзолари ширкат идорасини қишлоқ врачлик пунктига айлантиришга қарор қилишди. Бутунлай қайта таъмирдан чиқарилаётган бино эрта-индин фойдаланишга топширилади.

— Наврўз айёми арафасида хўжалик раҳбариятининг одамларга қилган бу тухфаси — меҳр-мурувват тимсоли, — дейди **«Мехтар» қишлоқ врачлик пункти мудири Абдивоси Ибрагимов**.

— Янги кунни янгича кайфият билан кутиб олсанг, ишинг ҳам йил бўйи ривож топади, — дейди **туман ҳокими Юсуп Абдимуродов.** — Асосийси, одамлар манфаатига мос ишлар қилаяпмиз. Одамлар кайфиятига кўп нарса боғлиқ.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

НАВРЎЗДА ҲОВЛИ ТЎЙИ

Навоий шаҳридаги «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти Наврўз байрами арафасида ўз маблағи ҳисобига қурилган иккита етти қаватли турар жойни фойдаланишга топширди. Уни «Трест-2000» ҳамда «Қизилқумцемент»га қарашли қурилиш-таъмирлаш бошқармаси қурувчилари бунёд этди.

Корхонанинг энг илғор, кўп болали, қаровчисини йўқотган 58 нафар ишчиси Наврўз байрамини янги, шинам ва қулай уйларда нишонлайдиган бўлди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензиялланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензиялланган

КЎКЛАМ БИЛАН КЎРКАМДИР ЎЛКАМ!

БОРЛИҚ УЗРА НАВРЎЗ НАФАСИ УФУРМОҚДА

Кеча кўклам шаббодасининг илиқ нафасида шаҳримиз кўчаларини айландим. Офтоб тафти билан ниш уриб келаётган барқут тусли майсаларни, чаман очилган шошқалоқ ўрикларни, тўқмағиз қизариб, бўртиб турган бошқа дов-дарахтлар новдаларини кўриб, қалбимда рангин туйғулар уйғонди...

Касбим тақозосига кўра дуч келган юртдошларимдан уч-тўрт нафарини суҳбатга тортиб, улардан кун сайин, соат сайин яқинлашиб келаётган байрамлар «подшо»си — Наврўз ҳақида фикрлар сўрадим.

Равшан САЛАЕВ, истеъфодаги милиция полковники:

— Наврўз — Истиқлолда қайта уйғонган айём. Шўролар даврида қатағон қилинган бу шоҳ байрамнинг уйғониши шахсан Ислом Каримов номи билан боғлиқлиги шаксиз. Сиёсий ҳаётнинг ўша ола-тасирли 1990 йилида Фармон билан Наврўзнинг чинакам дунёвий ва халқчил байрам сифатида эълон қилиниши барчанинг муддаоси бўлди. Унинг илк кунига дам олиш куни, халқ сайли куни мақомининг берилгани ҳам фалсафий, ижтимоий ва маънавий мазмунини янада кенгайтириб юборди, бирданига халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини тортди...

МДҲда биринчилардан бўлиб Наврўзни нишонлаган биз эдик, деб бемалол айтсак бўлади. Кейин Европа, Америка, Австралия олимлари ҳам уни ўтказиш тажрибаси билан қизиқиб қолишди. Хусусан, Ўзбекистон тажрибаси уларга маъқул келди...

Газеталардан бирида ўқигандим, америкалик Лара Адамс деган социолог олим биздаги байрам тантаналарининг ташкилий жиҳатлари тўғрисида докторлик иши ёзиб, Америкада ёқлаган экан...

Анваржон САИДАҲМЕДОВ, «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали бош муҳаррири ўринбосари, журналист:

— Байрамнинг нишонланиш даражасига қараб, халқнинг тараққиёт даражасини билиш мумкин. Чунки, у — ижтимоий ҳаёт кўзгуси. Маънавий бой элнинг байрами ҳам файзли бўлади. Айниқса, кўклам чоғи шоирлар кўклам билан кўркамдир ўлкам, деб бекорга назм айтишмайди...

Тарихда ёзилган, Ўрта Осиё (ҳозир Марказий Осиё деяпмиз!) бўйлаб саёҳат қилган кўплаб хориж тарихчилари, элшунослари, олимлар Наврўз байрамининг Туркистонда, хусусан, Ўзбекистонда нишонланишидан катта таассурот олганлар. 1871 йилда чехиялик элшунос Август Эйхгорн Зангиотада бўлиб, Наврўз байрами устидан чиқиб қолади. Юртига бориб: Осиёликлар нишонлаётган бу байрам бир умр ёдимда қолди. Катта-катта боғлар сартлар билан тўлиб, ҳамма жойда одамлар гавжум бўлиб, дошқозонларда сумалаклар, ҳалимлар, ҳолвайтарлар, доривор кўк ўтлардан пиширилар пишаркан. Теварак-атроф, кўча-кўй саранжом-саришта қилиниб, топ-тоза ҳолга келтириларкан... Русияда байрамлар бунчалик бўлмайди, деб ёзган экан...

Эркин ЗАРИПОВ, Тошкент вилоят халқ таълими педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти проректори, биология фанлари номзоди, доцент:

— Наврўз тарихида «Наврўзи Хорамзшоҳий», «Наврўзи Кишоварзон» деган атамалар бор. Улар бевосита маҳаллий халқ ҳаёти, турмуши ёхуд маълум бир воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ, албатта.

Масалан, Абу Райҳон Беруниийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида хоразмшоҳларнинг Наврўзга муносабати нақл қилинади: Абусаид Аҳмад бин Муҳаммад бин Мансур мунажжимларни тўплаб, кабиса ҳисобга олинмаган тақвимни ислоҳ қилишни буюради: «Фарвардингон жашни» деб ном олган бу тақвимга кўра фарвардин куни ой номи билан тўғри келган — ўн олтинчи кун. Ўша кунни хоразмшоҳлар алоҳида тайёргарлик билан нишонлаб, «Наврўзи Хоразмшоҳий» деб атаганлар. Кейинчалик Абул Аббос Маъмун даврида ҳам шу куни элга ош тортилган, улусга совғасаломлар улашилган, санъаткорлар қўшиқ айтиб, қизиқчилар, дарбозлар, масхарабозлар ҳалойиқ тўпланган жойларда ўз маҳоратларини намойиш этганлар.

...«Наврўзи Кишоварзон» — деҳқонлар байрами дегани. Бу ҳақда Наршахийнинг асарларида анча маълумот берилган. Чунончи, ўшанда Варахша шаҳрида ҳар ўн беш кунда бир бозор, йилнинг охирида эса сурункасига йигирма кун бозор бўлган ва йигирма биринчи куни Наврўз байрами нишонланган. Бухоролик деҳқонлар йил кунлари ҳисобини ўша кундан бошлаганлар...

Феруза ИСАЕВА, Тошкент давлат жаҳон тиллари университетининг биринчи курс талабаси:

— Наврўзнинг пайдо бўлиши ҳақида анча-мунча афсоналар, ривоятлар ўқиганман. Биттасида айтилишича, зардуштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор ва ёз фаслида, ёвузлик худоси Ахриман куз ва қиш фаслида ҳукмронлик қиларкан. Баҳорнинг биринчи куни Хурмуз Ахриман устидан ғалаба қилиб, эзгулик ишлари бошланаркан. Бу кун Наврўз деб аталиб, уни шодуҳуррамлик билан байрам қилишаркан...

Демак, гулдек очилиб, садафдек сочилиб келаётган Наврўз байрами бизни кўп-кўп эзгуликларга бошлайди...

— Илло, айтганингиз келсин! — дея синглимиз билан хайрлашдиму, таҳририятга қайтдим. Иш столим устида бугунгина келган хат-хабарлар билан танишишга тушдим. Не бахтки, уларнинг ҳаммасида боя синглимиз айтган эзгуликлар — бутун Ўзбекистон бўйлаб амалга оширилаётган хайрли тадбирлар: кўкаламзорлаштириш, ободончилик, саранжом-саришталик ишлари, янгиланиш, яшариш, покланиш жараёнлари, фойдаланишга топширилаётган янги-янги иншоотлар, далаларда экинтикин юмушлари, бир сўз билан айтганда, кенг қамровли Наврўз тараддуди қаламга олинганди.

— Наврўз дала ишларининг бошланиши бўлгани учун илгари ота-боболаримиз экин майдонларини, боғ-роғларни, кўча-кўйларни тартибга келтириш билан бирга дала бошига кўш чиқарганлар, қўйлар сўйиб, ош дамлаб хайру садақа берганлар, — деб ёзади **Фарғонадан олтиариқлик фермер Қобилжон Аҳмедов.** — Эл-улус оқсоқоллари эса ерга уруғ қадашдан олдин ҳосилнинг баракали, юртнинг тинч ва тўкин бўлишини тилаб дуо қилганлар...

Ҳозир туманимизнинг ҳамма хўжаликларида ариқ-зовурларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, уларга шакл бериш, йўлларни, гузарларни тартибга келтириш ишлари айни авжига чиқди...

— Наврўз тараддуди бошланиши биланоқ, одамлар деярли ҳар куни ҳашарга чиқмоқда. Қишлоқларимизнинг хусни ортиб, далаларимиз жамоли кўркамлашиб қолди, дея сўз бошлаган **иштихонлик Дилбар Юсупованинг** хабари шу жиҳати билан ибратлики, унда **«ҳашарлардан фақатгина озодалик ва орасталик кўзланаётгани йўқ, балки халқимизнинг азалий қуни-қўшничилик, маҳалла-кўйчилик анъаналарини янада ривожлантириш ҳам мақсад қилинаяпти»** дейилади. Шунингдек, муаллиф ўз хатида кам таъминланган оилалар ва ёлғиз қариялардан хабар олиш, одамларни аҳилликка, ҳамжиҳатликка чорлаш, ҳар бир ишда худди бир оила аъзоларидек бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга даъват этиш тарғиботлари ҳам юксак савияда бўлаётганини таъкидлайди.

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги мевачилик ва узумчиликка ихтисослашган «Халқобод» хўжалигининг бош ҳосилоти **Эрмуҳаммад Акчабоев** жамоа аъзолари бу йил мавжуд боғ-роғларни 11 миллион сўмлик олма, ўрик, гилос ва турли хил ток кўчатлари билан бойитганликларини ҳикоя қилса, бекободлик **Абдулла Ғаффоров** туманда қишлоқ хўжалик экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 330 километр узунликдаги хўжаликлараро зовурлар ва салкам 900 километр масофадаги ички суғориш шахобчаларини тозалашга 20 та экскаватор ҳамда минглаб ишчи-хизматчилар жалб қилинганлигидан дарак беради.

Ёки навоийлик журналист **Абдумутал Норбоев:** «Томдидаги «Оёққудуқ» ширкат хўжалиги аъзолари Наврўз байрами арафасида анъанавий «Ёш истеъдодлар» кўрик-танловини ўтказишди, унда ёш ижрочилар Ватан, Наврўз мадҳи билан боғлиқ қўшиқлар айтишди, рақсларга тушишди ва шеърлар ўқишди», — деб ёзса, **тошкентлик Муҳиддин Калонов** Юнусобод туманидаги «Иттифоқ» маҳалласида шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан «Соғлом ҳаёт — соғлом турмуш тарзи» шиори остида ўтказилган тадбир Сиҳат-саломатлик йилига бағишланганлигини айтади.

✧✧✧

...Ҳа, кўклам билан кўркамлашиб бораётган ўлкамиз кенгликларида букун фасли баҳор — Наврўз айёмига қадар ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари аллақачон бошланиб, у тобора авжига чиқмоқда.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Наврўз нафаси

«СУМАЛАК — БИР ЯЛАМАК»

БАҲОРДАН ДАРАК



М. АМИН (ЎзА) олган сурат

Баҳор келиб кунлар исий бошлади. Эрталаб ҳаво очиқ бўлса, тунда ёмғир қуйиб бераяпти. Кечқурун эса тиниқ осмонда юлдузларни кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам баъзан баҳорнинг бир кунида йилнинг тўрт фасли гўё мужассамлашади.

— Лекин об-ҳавонинг тез ўзгариши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Киши танаси шундай тузилганки, фаслнинг ўзгариши билан организмдаги баъзи касалликлар қайта кўзғалади, — дейди **тиббиёт фанлари номзоди, таниқли олим Шуҳрат БОЙМУРОДОВ.** — Масалан, тумов, шамоллаш, ангина, грипп, зотилжам, бронхит, астма, юрак-қон томирлари, хафақонлик, таянч-ҳаракат тизими касалликларини юзага келтириши мумкин. Шу жиҳатдан ҳам тиб илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино: «Одам ўзини ўраб турган муҳит билан ўзаро мулоқотни бузмаслиги — саломатликни сақлашдаги муҳим омил» эканлигини алоҳида таъкидлагани ибратлидир. Аллома айниқса, баҳорда кишилар ўз соғлиғига жиддий эътибор беришлари зарурлигини уқтиради.

Дарҳақиқат, об-ҳавонинг кескин фарқланиб, ўзгаришига одам ўз организмини аста-секин тайёрлаб, чиниқтириб бориши керак. Шундагина инсон об-ҳавонинг салбий таъсиридан сақланиши мумкин. Бундан ташқари, одам организмида кўкламга келиб ёз ва кузда истеъмол қилган кўкат, сабзавот ва меваларнинг кучқуввати қолмайди. Ваҳоланки, юқоридаги ноз-неъматлар таркибидаги А, В, С, РР ва бошқа дармондорилар, минерал тузлар ва микроэлементлар организмни бардам, бақувват этувчи табиий дорилардир. Кундалик озиқ-овқат маҳсулотларимизда уларнинг камайиб кетиши оқибатида дармонсизлик, силланинг қуриши, бош оғриғи, бош айланиши пайдо бўлишини ота-боболаримиз «илик узилди» даври деб атаганлар. Аслини олганда, бу аломатлар организмнинг табиий дармондориларга муҳтожлиги белгисидир. Шунинг учун ҳам олимлар дармондориларни «ҳаёт асослари» деб аташган.

— Танадаги модда алмашинувини кучайтириш, куч-қувватни ошириш учун қиш кунлари ва баҳор кезлари дармонга бой таомларни кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Оғзи кўкка теккан сигир, эчки ва қўйининг сути, биянинг сути ва қимизи, туянинг сути ва қумрони сердармон бўлиб, кишини баҳор шароитига тез мослайди, — дейди **тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Улуғбек БАҲРИЕВ.** — Чунки бу фаслда ўсимликларнинг аксарияти дармонларга, минерал моддаларга бой бўлади. Айниқса, ялпиз, исмалоқ, кийикўти, отқулоқ, равоч, беда, саримсоқ, кўк пиёз, шивит, кашнич, қоқи, жағ-жағ каби ўсимликлар, довутча ва токнинг баргида С, В ва РР витаминлари кўп учрайди. Шунинг учун ҳам улардан суюқ овқатларда фойдаланиш, кўк сомса, кўк чучвара, кўк манти ва нон тайёрлаб истеъмол қилиш фойдалидир. Баҳорий таомларнинг энг севимлиси бўлган сумалак ва ҳалим инсон организми учун бебаҳо неъмат ҳисобланади. «Сумалакни наврўзда, баҳорда тўйиб еган киши йил давомида касалликларга чалинмайди», «Сумалак — бир яламак» нақллари боиси ҳам шу бўлса керак.

Маълумки, сумалак ундирилган буғдой шарбатидан тайёрланади. Таъкидлашларича, буғдойнинг ям-яшил майсаси асосан углевод ва оқсиллардан иборат. Шу боис унинг таркибида тиамин, ниакин, В2, В6, холин ва бошқа дармонлар билан бирга бемор учун жуда зарур бўлган С витамини мавжуд. Буғдой майсасини 1936 йилда немис олимлари Эмерсон ва Эванс текшириб кўриб, буғдойда бир неча хил, инсон организми учун муҳим модда борлигини, яъни булар Женшень таркибида учрайдиган Е витаминининг ўзгинаси эканлигини тасдиқлашган. У эркакларни наслсизликдан, аёлларда эса бевақт ҳомила тушишидан сақлаши ҳам аниқланган.

Баҳорнинг яна бир тансиқ таоми ҳалим эса ўзининг мулойимлиги ва калорияга бой эканлиги учун организмга яхши сингади, куч-қувват ато этади. Унинг таркибидаги оқсил инсон организмида «қурилиш материали» вазифасини бажаради. Қон босими пасайиб кетган дармонсиз кишига эса ҳалимдек даво бўлмаса керак.

Табиатнинг инсон организми учун керакли бўлган ҳамма инъомлари дастурхонимиздан жой олиб, баҳордан дарак бермоқда. Айниқса, бу тансиқ таомлар Наврўз нафаси кезаётган паллада кишиларга куч, мадор бағишлаши билан ниҳоятда қадрлидир.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БАҲОР БАЁТЛАРИ

Янги шеърлар



Зикрилла Неъмат — 1961 йилда Ғиждувонда туғилган. 1989 йилда ЎзМУнинг журналистика факультетини, 2001 йилда эса Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини тугатган. Анча йилдан буён бадиий ижод билан шуғулланади.

Унинг «Иккимизнинг ёниқ ишқимиз», «Юртим навоси», «Ватан ва муҳаббат», «Қайтар дунё», «Остонадан бошланар Ватан» ва «Муҳаббатсиз яшаб бўлмас» номли тўпламлари чоп этилган.

Шеъриятга кириб келиш осон. Лекин унда эътибор қозона билмоқ қийиндир. Тинимсиз изланган ижодкоргина бу бахтга муяссар бўлади. Хуршида ана шундай бахтга интилаётган шоиралардан.

У Андижонда таваллуд топган. Бугунги кунда Хуршида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимида фаолият кўрсатмоқда.

Шоиранинг «Алдамчи тонглар», «Сиғмагай жисмим жаҳонга», «Изҳор» каби шеърий тўпламлари чоп этилган ва ўқувчилар меҳрини қозонган.

Хуршида ҳамиша ёниб ёзади. Унинг қуйидаги шеърларини ўқиб, бунга амин бўласиз, деган умиддамиз.

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

Ассалом, Наврўзим — янги йилгинам,
Халқимдек хокисор, оққўнгилгинам.
Сен келдинг завқларга тўлди дилгинам,
Оламни яшнатдинг, эй Наврўзгинам!

Сен келдинг, борлиқда уйғониш бўлди,
Қалбларда ажиб бир тўлғониш бўлди.
Баҳорий тароват, тенгсиз гўзаллик,
Булбуллар тилида зўр хониш бўлди.

Наврўзим — дилдаги армоним менинг,
Олис йўлдан келган карвоним менинг,
Сен боис юрт обод, эллар омондир,
Минг йиллик дардга дармоним менинг!

Қуёш кўк саҳнида гўё бир малак,
Толлар кокилида ўйнар жамалак.
Шукроналар айтиб, мадҳингга халқим —
Қайноқ қозонлардан сузгай сумалак.

Савту саболаринг муборак бўлсин,
Хушбўй ҳаволаринг муборак бўлсин.
Эй, Наврўз аталган улуғ айёмим,
Назму наволаринг муборак бўлсин!

Зикрилла НЕЪМАТ

ОРАЗИНГ

Оразингни кўрмоқ бўлмади насиб,
Имкон туғилмади бизга муносиб...
Кўп ўртади дилни сўзларинг жозиб,
Қарашлари жонни олар жаллодим.

Араз-гиналарга асло йўқ ҳожат,
Гарчанд зоҳирим тинч, дил беҳаловат.
Иқрори ишқ оғир ранжу малолат,
Замиримда пинҳон оҳу фарёдим.

Сирли нигоҳингда нури шаҳодат:
Ишқи садоқатми, рашки ҳарорат?

Дардинг дардим эрур, сеҳру синоат,
Ўқлари мўлжалга аниқ сайёдим.

Ҳар ким дилга олов ёқолмас, аммо
Бизга кулиб боқмас серабр само —
Рақиблар, таъқиблар бисёр, бедаво,
Қўллари қисқа-ю, меҳри зиёдим.

Висолинг бир бора этгайми, насиб,
Фурсат туғилгайми, бизга муносиб,
Ва ё дилга фироқ чўғини босиб,
Ўтгаймизми армон бирла дунёдин?

ЁМҒИР

Беором, беозор, беғубор ёмғир,
Кўнгил гардларини ювмоққа қодир —
Сен ширин хаёлдан айирган кеча,
Дилим ёр айлади ҳисларга соҳир.
Беором, беозор сас ила ёмғир,
Сен ва менинг ҳижрон куйимиз чалур.
Сен дунё ғамларин туҳфа этган тун,
Кўнглимга илинжу умидлар солур!..
Беором, беозор, беғубор ёмғир,
Бемеҳрим қўксига мурувват ёғдир!..
Мен ғурур тоғидан йиқилмай туриб,
Сен уни киборлар юртида толдир!..
Беором, беозор, беғубор ёмғир,
Кўнгил гардларини ювгилки, моҳир.
Мен дунё ишқидан воз кечай, токи,
У афсус наҳрида оҳ чексин оғир!...

✧✧✧

Бордим изингни, эй ёр, сўроғлаб,
Чиқди ҳилолинг кўнглумни доғлаб.
Найлайки, моҳинг эрса паноҳинг,
Рашки гуноҳим ёнди чароғлаб.
Жабру ситамлар солғай аламлар —
Чашмимда намлар — ҳажринг қучоғлаб...
Айб этма ҳаргиз, мен гунгу ожиз —
Дил сенда ёлғиз, қўйдинг-ку боғлаб.
Ишқ сўзда бўлмас, васлингда сармаст
Ҳис сўнса келмас, кетгай йироғлаб.
Ўтдир дудоғинг, кутдим, қароғим —
Муштоқи роҳинг, кетма фироғлаб.

ХУРШИДА

МУАММО ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Маълумки, Бухоро нобоп экологик худудда жойлашган. Шу боис ер ости сувларидан истеъмол учун фойдаланиш ўта хавфлидир. Буни яхши тушунган Вобкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги раҳбарияти аҳоли хонадонларини водопроводлаштиришга дадил ҳаракат қиляпти. Дамхўжа— Бухоро сув трассаси ўтадиган худудда ташкил этилган сув ҳавзаси бу муаммони ҳал қилишда, айниқса, қўл келди. Илгари шу ердаги Арабхона ва Хуррам қишлоқларига водопровод қувурлари тортилган бўлса, Наврўз арафасида харгўшликлар ҳам тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлдилар.

— Беш минг аҳоли яшайдиган бу қишлоққа 4 километр масофадан қувур орқали сув олиб келдик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Асрор Бобоев. — Эрта-индин яна 2 та қишлоқни водопроводлаштирамиз. Бунга маҳаллий бюджет маблағи билан бирга хўжалигимиз моддий имкониятидан фойдаланамиз. Насиб этса, бу йил, хўжаликда тоза ичимлик суви муаммоси тўла ҳал этилади.

Даврон БАҲРОНОВ

ПЛЁНКА ОСТИГА ЧИГИТ ЭКИШГА КИРИШИЛДИ

Қиш оёқлаб, баҳор белги бера бошлаши билан деҳқон, дала ҳақида гап қизийди. «Деҳқон далага чиқди» деган иборани ҳам айнан шу мавсумда таъкид билан тилга оламиз.

Аслида-чи, қишнинг қорли кунларида ҳам пайкал бошига кунда бир бориб келадиган деҳқон ернинг ҳолати, тупроқ таркиби, уни тўйдириш, тўйинтириш қайғусида ўй суради. Айниқса, мулкчилик шакли ўзгарган ҳозирги шароитда деҳқонга осонмас.

Наманганлик деҳқонлар бу йил шу мақсадда қиш бўйи ўқув машғулотлари, семинар-тренинглар ўтказди. Далаларда ишни эрта бошлашди. 420 гектар ерга чигит экиб, гектар бошига 42 центнердан хирмон уйишни кўзлаган Тўрақўрғон туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги пахтакорлари мавжуд 220 гектар майдонда плёнка остида чигит экишга киришдилар. Хўжалик механизаторлари Абдуҳай Эрматов, Исроил Шерматов, Сайдулло Иловиддинов, Қосимжон Жалоловлар кунига 30-35 гектардан майдонга «Оққўрғон-2» навли барака уруғи қадашмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: хўжалик бош ҳосилоти Абдуҳалим Йўлдошев ва 4-бош пудрат етакчиси Лутпиддин Эргашев пайкалда.

Пўлатжон АКБАРОВ олган сурат.

ҲАМИША БИРИНЧИ...

Республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»ининг ўзига хос тажриба ва ташаббуслари бор. Банк бошқаруви ўз тасарруфидаги минтақавий филиаллар орасида мижозларга намунали хизмат кўрсатиш, фермерлик ҳаракатини тубдан қўллаб-қувватлаш ҳамда айланма маблағларни муттасил кўпайтириш борасида йиллик анъанавий мусобақасини ўтказиб келмоқда.

Яқинда 2004 йил беллашув якунлари кўриб чиқилиб, Навоий минтақавий «Ғаллабанк»и ғолиб, деб топилди: 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Қувончли жиҳати шундаки, банк қаторасига 3 йилдан буён энг илғор жамоа сифатида таниліб, биринчиликни қўлида сақлаб келмоқда.

— Мижозларимиз қисқа вақт ичида 1170 нафарга етди. Айланма маблағимиз 3 миллиардга яқинлашди, — дейди банк бошқарувчиси Фаёз Исломов.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Денов туманидаги «Ҳунармандлар маркази»да «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда элликка яқин фермер, тадбиркор, ҳунарманд ва зардўзлар иштирок этишди. Унда «Баҳриддин» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Дилов «Энг яхши фермер», деб топилди. «Афросиёб» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Амир Наржуллаев — «Энг яхши тадбиркор», Исомиддин Алимов эса «Энг яхши ҳунарманд» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритишди. Улар энди вилоят босқичида иштирок этишади.

— Мана бир неча йилдирки, ушбу анъанавий кўрик-танловда қатнашаяпман, — дейди фермер Баҳром Дилов. — Насиб этса, бу йил Юртбошимизнинг махсус совринларини қўлга киритмоқчиман.

Ушбу танловда «Энг яхши журналист», «Энг самарали лойиҳа» сингари бошқа соҳалар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

(Ўз мухбиримиз)

Мутахассис фикри

МАҚСАД ЎЧ ОЛИШ ЭМАС

ЖАЗОЛАШ ТИЗИМИДАН ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ ЧИҚАРИБ ТАШЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасидан)

Республикамиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталди. Жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклиф, фикр-мулоҳазалар кўпчилик диққат-эътиборини тортди. **«Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда. Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқдамиз»,** — деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содир этилган жиноят учун ўлим жазосини олиб ташлаш ёки қолдириш зарурлиги тўғрисида дунё ҳуқуқшунос мутахассислари, олимлар, амалиётчилар, сиёсатшуносларнинг турлича фикр билдирмоқдалар. Баъзи олимлар ўзларининг илмий ишларида ўлим жазоси зарурлигини исботлашга ҳаракат қилсалар, баъзилар у ўта шафқатсиз ва бефойда нарса деган қарашни илгари сурганлар. Жумладан, ҳозирги замон рус олимларидан В.Е.Квашиснинг таъкидлашича, «умумий превенция нуқтаи назаридан ўлим жазоси институтининг криминологик аҳамияти йўқдир». («Превенция» лотинча «praeventio» сўзидан олинган бўлиб, огоҳлантириш, деган маънони англатади. Бу ўринда жиноятларнинг олдини олиш назарда тутилган). Олим ушбу фикрини «XX аср бошларидаёқ криминологик фан ўлим жазоси қўллаш» самара бермаслигини ишонарли тарзда исботловчи жуда катта эмпирик маълумотлар тўплаган эди» деб асослайди. У ҳуқуқшунос Беккариа томонидан 1764 йилда ёзилган «Жиноятлар ва жазолар ҳақида» асарида баён этилган мулоҳазаларга қўшилишини маълум қилган.

Беккариа ўз илмий асарларида ўлим жазосининг бефойда эканлигини исботлаб берган. У ўша замон олимлари илгари сурган илмий қарашлар, фикр-мулоҳазалар билан мунозара қилиб, «ўлим жазоси» жиноятларнинг олдини олиш вазифасини бажармаслигини, бундай жазони қўллаш учун инсонларга ҳеч қандай қонуний ҳуқуқ бермасликни, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу жазо адолатсизлик деб қаралиши лозимлигини таъкидлайди.

Менинг фикримча ҳам ўлим жазосини юридик маънода жазо деб бўлмайди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги талабларига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишига йўл қўймаслик учун зарур ҳамда етарли жазо тайинланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 7-моддаси «Инсонпарварлик принципи» деб аталиб, унда **«*Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак*»**лиги қайд этилган.

Ўлим жазоси тайинланиши маҳкумни ҳам руҳан, ҳам жисмонан изтиробга солади. Жазонинг ижро этилиши эса маҳкум учун ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Уни ахлоқан тузатмайди. Бу жазо маҳкумнинг биологик фаолиятига сўнгги нуқта қўяди, холос.

Ўлим жазоси масаласидаги илмий изланишлар ҳамда қарашлар турлича бўлганлиги сабабли дунёнинг жуда кўп давлатларида бу муаммо турлича ҳал қилинган. Баъзи давлатларда ўлим жазоси олиб ташланган, бошқаларида эса у содир этилган жиноятларнинг айрим турлари учунгина тайинланади. Айрим давлат қонунларида ўлим жазоси бўлгани билан у амалиётда қўлланмайди. Айни вақтда ўлим жазосини жуда кенг қўллаётган мамлакатлар ҳам бор.

Ўзбекистон жиноят қонунчилиги талабларига кўра, фақат икки ўринда, яъни террорчилик ва оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга нисбатангина бу олий жазони қўллаш мумкин. Мустақилликка эришгунимизга қадар бу турдаги жазо 33 та жиноят таркиби учун қўллаб келинган эди. Қонунда белгиланган икки турдаги жиноятни содир этганликда айбланган шахсларни ўлим жазосига ҳукм қилишда қонунчилигимиз уни хотин-қизларга, вояга етмаган ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўллашни ман этади.

Шу ўринда, Россия Федерацияси қонунчилигида ушбу муаммонинг ҳал қилиниши тўғрисида бироз тўхталиб ўтмоқчимиз. Россия Федерацияси Жиноят кодексида 5 та турдаги жиноят учун ўлим жазоси қолдирилган. Лекин бу давлат Европа Кенгашига аъзоликка қабул қилинган пайтда «ўлим жазоси» ҳақидаги масала кун тартибига қўйилди. Қолаверса, Россия Федерацияси конституциявий судининг 1999 йил 2 февралидаги қарорига кўра, Россия судлари жазо тариқасида ўлим жазосини тайинлай олмайдилар.

Ўлим жазоси керак ёки керак эмаслиги тўғрисида мулоҳаза юритишдан аввал ўлим жазоси тушунчасини яхши билиб олишимиз керак. Кўриниб турибдики, ўлим жазоси бу инсоннинг ҳаётдан маҳрум этилишидир. Инсон ҳаётдан турли ҳолатларда кўз юмиши мумкин. У кўп ҳолларда касаллик, қарилик ёхуд бахтсиз ҳодисалар туфайли вафот этади. Табиат инжиқликлари, ҳар хил фалокатлар ҳам (сув тошқини, ер сурилиши, қор кўчишлари, зилзила ва ҳоказо) бунга сабаб бўлади. Ўз жонига қасд қилиш, жиноятларнинг қурбонига айланиб қолиш, турли хил сабабларга кўра қасддан ўлдирилиш каби ҳолатлар ҳаётда кўплаб учраб туради.

Биз муҳокама қилаётган ҳолатда ўлим жазо тариқасида қўлланиш оқибатида содир бўлади. Демак, жазоларнинг энг юқориси, яъни, энг олийси бу — ўлим жазосидир. Бу жазо натижасида инсон энг олий неъмат — ҳаётдан маҳрум этилади.

Бошқа жазо чораларида, масалан, озодликдан маҳрум қилишда шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари маълум вақт мобайнида чеклаб қўйилади. У оиласи, фарзандлари билан мулоқотда бўлиш, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ёки маълум вақт мобайнида мажбурий меҳнатга жалб қилинади ва назорат остида сақланади. Ўлим жазоси эса инсонни яшаш ҳуқуқидан абадий маҳрум этади.

Жиноий жазоларни қўллашдан мақсад жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, уни жамият учун хавфли ҳаракатлардан тийиш, кейинги фаолиятини фойдали томонларга буриш воситаси ҳисобланади. Маҳкум жазони ўташ пайтида озодлик ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларнинг қадрига етади, қайта тарбияланади. Ўлим жазоси эса шахсни тарбиялай олмайди. Ваҳоланки, жиноий жазолар жиноят ҳуқуқи мезонларига кўра жиноят содир этган шахслардан қасд олиш учун қўлланмаслиги керак.

Ўлим жазосидан бошқа жазоларга ҳукм этилган маҳкум муддатидан илгари озод бўлиши ёки жазони ўташдан озод қилиниши, жазоси қисқартирилиши, маълум даражада жазоси енгиллаштирилиши ва охироқибат жазодан қутилиши мумкин. Лекин ўлим жазоси қатъий равишда ижро этиладиган ва қутилиш имкониятидан маҳрум қилинган чора турига киради.

Ўлим жазоси давлат номидан қўлланилади. Бу билан давлат тегишли судга ўлим жазоси бериш учун ваколат беради. Давлат номидан шафқатсизлик қилиш эса асло мумкин эмас.

Ўлим жазосининг яна бир жиҳати шуки, ижро этилган жазонинг адолатсизлиги аниқланса, уни ўрнига тиклаб бўлмайди. Тўғри, шундай оғир жиноятлар борки, унинг оқибатида бутун бир оила ёки бир неча киши қасддан ўлдирилган бўлиши мумкин. Лекин, бу йўқотишни ўлим жазоси орқали тиклаб бўладими? Ўлим жазосини қўллаш орқали жабрланувчиларнинг кўнглини таскин топтириб бўлмайди. Аслида, ўлим жазоси одамларни, ҳатто жабрланувчи томонни ҳам изтиробга солади.

Президентимиз Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида ўлим жазосини бекор қилиш масаласини кун тартибига қўйгани катта воқеа бўлди. Инсон ҳақ-ҳуқуқи ва унинг манфаатларини ҳар нарсадан устун билгувчи кишилар ушбу фикрни тўла қўллаб-қувватлаши шубҳасиздир. Зеро, жиноятчидан қасд олиш эмас, уни тарбиялаб ҳаётга қайтариш муҳимдир.

Обиджон МАДАЛИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

Ташаббус ва таклиф

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП!

Сурхондарё вилоят ҳокими Абдулҳаким Эшмуратовнинг қатъий фикри шундай. Хўш, бунга бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари нима дейишаркин? Муҳаррирлару, журналистлар-чи?

Матбуотда бирор раҳбар танқид қилинса, баъзан уни ёзган мухбиргина эмас бош муҳаррирга дакки эшитади. Холис, ҳаққоний воқелик қолиб, тирноқ остидан кир қидириш ҳоллари ҳам учрайди. Аммо, ўша мутасадди кўкларга кўтариб мақталса-чи?! Унинг «очилмаган» қирралари ҳамду санолар билан «безалса» нима бўлади? Минг карра ишонч билан айтиш мумкинки, у ҳеч қачон «журналист мени ўринсиз мақтабди, бунга лойиқ эмасман», — деб судга мурожаат қилмайди.

Матбуот — ҳаёт ойнаси! Кундалик эҳтиёж. Воқеа ва ҳодисалар ҳосиласи. Янгиликлар макони. Ҳар бир инсон учун ўзига хос зарурат...

Бугун Сурхондарё вилоятида 33 номда газета, 7 та ҳудудий телевидение ва радио муҳарририятлари фаолият кўрсатмоқда. Тан олиб айтиш лозим, сўнгги икки йилда барча таҳририят ва муҳарририятларда ўнгланиш, ўзгариш, иқтисодий ривожланиш сезиляпти. Танқидий, таҳлилий чиқишлар кўзга ташланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, муштарийлар, обуначилар сони кўпаймоқда ҳам.

Абдулҳаким Эшмуротов Денов туманида ҳокимлик пайтидаёқ ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўйган эди. Ёдимда, 2003 йилнинг эрта баҳори эди. «Чағониён» газетасида жиддий фельетон эълон қилинди. Кўпчиликнинг оғзида: «ана «Чағониён»у, ана фельетонлар...»

«Эртага ҳоким журналистлар билан учрашув ўтказармиш», деган хабар ўшанда янаям кутилмаган воқеа бўлди. Кимдир қабул ижобий бўлишини айтса, кимдир муаллифлари «савалашини» башорат қилишди.

...Белгиланган манзилга 35-40 чоғли журналист йиғилди. Туман ҳокими Абдулҳаким Эшмуратов бир гуруҳ мутасаддилар билан келди. Кўлида «Чағониён»...

«Тамом..!» деган фикр чулғади барчанинг онгини.

— Мен «Чағониён»дан, унинг журналистлардан ҳурсандман, — сўз бошлади ҳоким. — Ватан оиладан бошланганидек, юрт равнақи ҳам ҳар биримизнинг ҳалол меҳнатимиздан юксалади. Бугунги ошкора, ҳаққоний танқид эртага албатта ширин мевасини беради...

...— Хайрият — енгил тин олди қалам аҳли. Кимларнингдир юзига қизиллик югурди. Шу-шу ҳоким ва журналистлар учрашувига асос солинди. Ҳар ойда бир марта ўтказилиши одат тусига кирди.

Сурхондарёга келадиган ҳар бир ёзувчи, шоир, журналист борки, албатта Деновга — «Чағониён»га бирров кириб ўтади. Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Усмон Азим, Иброҳим Ғафуров, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Салим Ашур каби ижодкорлар кўп бор бу ерда меҳмон бўлишган. Чунки Деновда ўзига хос адабий муҳит, ўзига хос шароит мужассам. Чунки, бу гўша ижоднинг, ижодкорнинг қадрига етади.

Абдулҳаким Эшмуратов вилоятга ҳоким бўлгач, дастлаб яна журналистларни қабул қилди.

— Холис танқид, ошкоралик, — давр талаби, — деди у тўпланганларга қараб. — Ишончим комилки, муаммоларни бартараф этишда камарбаста, ҳамфикр бўласизлар... Вилоятдаги барча оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирлари ва босмаханалари директорлари ҳамда республиканинг воҳадаги ўз мухбирлари билан ҳар чоракда учрашув ўтказиб туришни йўлга қўямиз...

Қарийб бир йилдирки, анъана давом этмоқда. Ҳар чоракнинг биринчи ўн кунлигида вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида суҳбат ўтказилади. Хўш, бу қандай наф бермоқда? Аввало, вилоят ОАВ ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлди. Масъулият ортди. Талабчанлик кучайди. Айниқса «Чағониён», «Сурхон тонги», «Термиз оқшоми», «Халқ йўли», «Сариосиё» газеталари бу борада пешқадам. Ўтган йили «Сурхон тонги» ва «Заря Сурхана» газеталари фаолиятини яхшилаш мақсадида ҳокимлик 4 миллион сўм маблағ ажратди. Кўплаб таҳририятларга компьютер, факс, модем аппаратлари ўрнатилди. Журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида танлов тадбирлари бошланди. Энг муҳими, тарғиботташвиқот ишларининг самараси сезилди. Вилоят иқтисоди юксалиб, халқ турмуш фаровонлиги кўтарилди. Пилла, ғалла, пахта ва бошқа соҳаларда барча режалар ортиғи билан адо этилди. Демак, ҳоким айтганларидек, ҳамкорликда гап кўп экан...

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Бугун мамлакатимиздаги бошқа вилоят ва туманларда бу ташаббус қўллаб-қувватланса ҳар икки томон ютади. Ҳамкорликда гап кўп-да.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кўчат экинг, боғ қилинг!

БОҚСАНГ БОҒ БЎЛАДИ, БОҚМАСАНГ...

ёки машҳур боғбон Ризамат ота Мусамуҳаммедов яратган боғ қандай қилиб йўқ бўлиб кетгани хусусида

1963-1965 йилларгача Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида фақат ўрикзорлар бўлиб, олма, анор, нок ва бошқа мевалар Тошкент, Самарқанд, Чоржўй сингари ҳудудлардан келтирилар эди. 1966 йилнинг баҳорида машҳур боғбон раҳматли Ризамат ота Мусамуҳаммедов Нукус туманидаги ҳозирги «Ўрнак» ширкат хўжалигида бўлиб, 4,5-5 гектарлик майдонга республика боғбонлари иштирокида олма кўчатларини ўтказди. Ниҳоллар яхши кўкарди. Орадан 2,5-3 йил ўтиб, боғ мева бера бошлади. Ўртага қурилган муҳташам бино қорақалпоғистонлик боғбонларнинг турли хил семинарлари, ўқишлари ва илғор тажрибалари мактаби бўлиб қолди.

— У пайтларда бизлар мактабда ўқирдик, — дейди **ширкат хўжалиги раиси Сатбой Қолжонов.** — Кейин Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги институтининг боғдорчилик ва сабзавотчилик факультетини тамомлаб, боғбонлик қилдим. Икки йилдирки, хўжаликда раҳбарман...

Иккимиз «боғга» бордик. «Боғ» сўзини қўштирноққа олганимизнинг боиси — ҳозир у ерда боғдан ном ҳам, нишон ҳам йўқ. Хароба деворлар-у темир дарвоза қолибди, холос. Қуп-қуруқ ер. Дарвоза олдида турган кишидан кимлигини сўрадим.

— Дармонбой Авезов, — таништирди у ўзини. — Шу ерда қоровулман.

— Ие, — ажабландим — бу ернинг нимасига қоровулсиз?

Саволимга на раис жавоб қилди, на унинг ўзи.

— Ризамат отанинг боғини кўрганмидингиз? — сўрайман яна.

— Ҳа, кўрган эдим. Зўр боғ эди. Туманимизда эмас, республикамизда ҳам йўқ эди ундай боғ. Сўнгги йилларда тумандаям, хўжаликдаям раҳбарлар неча бор алмашди, лекин ҳеч бири боғга қарамади. Оқибатда у йўқ бўлди. Боғбонлар уйи — боғбонлар мактабидан ҳам фақат деворлари, кесакилари қолди... Эсласам, жоним ачийди.

— Боғнинг йўқ бўлиб кетиши сабаблари Нукус автомобиль йўллардан фойдаланиш бошқармаси ходимлари яхши билишади, — деб қолди у сўзини давом эттириб.

Қоровулнинг шу гапи «туртки» бўлди-ю, бошқарма бошлиғи Наубет Жумамуратов билан учрашдик.

— Мен янги раҳбарман, — изоҳ берди у. — Боғ дастлаб «Қорақалпоқавтойўл» қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти томонидан бошқармамизга 2001 йил ёрдамчи хўжалик сифатида ижарага берилган. Олдин ҳам, ижарага берилгандан кейин ҳам боғни сақлаш ёки ўрнида бошқа экинлар экиб фойдаланиш ҳақида ҳеч ким қайғурмаган. Лекин ҳозир қора ер бўлиб ётган боғ ўрнида ходимларимиз учун қовун, тарвуз ва бошқа экинлар экишга тайёргарлик кўраяпмиз...

— Боғ йўқ бўлиб кетганлигидан боғбонларгина эмас, бутун жамоатчилик ранжиди, — давом этди у яна. — Нукус-Чимбой-Тахтакўпир магистрал автойўли бўйида жойлашган кўркам боғ, бу ерларнинг табиатига, ҳуснига ҳусн бериб турарди...

Тўғри, кейинги икки йилда тумандаги қатор ширкат ва фермер хўжаликларида боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни ривожлантиришга унчамунча эътибор берилаяпти. Самарадорлик ҳам кўнгилдагидек. «Ўрнак» ширкат хўжалиги аъзолари эса шу кунларда 10 гектарлик майдонга мева кўчатлари ўтказиб, боғдорчиликни 278 гектарга етказишни кўзлашган. 153 нафар ижарачи 10 йил муддатга шартнома асосида олган 228 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 50-55 центнердан сабзавот маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилишган. Нигора Туржанова, Марат Аминов, Шарибай Қосманов, Бахтибой Жамуратов каби ижарачилар эса йил сайин мева тайёрлаш шартномавий режаларини ошириб бажармоқдалар. А.Уразимбетов, И.Атамуратов, Б.Тажимуратов ва Ж.Алланазаров раҳбарлик қилаётган «Ата улы», «Қум овул», «Мешит сегиз» фермер хўжаликларида янги-янги боғлар парвариш қилинмоқда.

Бироқ Қашқадарё, Сурхондарё ҳатто Андижон вилоятларидан миллион-миллион сўм сарфланиб олиб келинган кўчатлар бу ерларнинг шароитига, тупроғига, сувига, иқлимига мос келмай, қуриб қолаётган ҳоллар ҳам кузатилмоқда. Хўжаликларнинг раҳбарлари эса ҳар йили ўтказилган кўчатлар сони ва харж қилинган маблағ ҳақидаги маълумотларни кўрсатишади-ю уларнинг қанчаси кўкарган, қанчаси қуриб қолганлигини билишмайди.

Айни шу борада «Ўрнак» ширкат хўжалиги ҳудудидаги мева-узум кўчатлари етиштирувчи «Новда» фермер хўжалиги иши ибратга молик.

Мирзамурод Қолжонов, хўжалик раҳбари:

— Ўтган йили Кегейли, Қўнғирот, Нукус туманлари хўжаликларига ўз тупроғимиз ва иқлимимизга мос ҳамда сифатли пайвандланган мева кўчатларини етказиб бердик. Ҳар сотих кўчатзордан 5,5 миллион сўмдан соф фойда олдик. Натижада кўчатзорларни кенгайтириш ва керакли техника воситалари ҳамда минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш имконига эга бўлдик. Ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик иш ҳақлари ҳам кўпайди. Мана шу кунларда хўжаликларга камида 27 минг туп мева ниҳоллари, 5 минг туп ток, 15 минг туп манзарали дарахт кўчатлари сотдик.

Яқин келажакда маҳаллий иқлим шароитларимизга мос мева кўчатларини 1,5-2 ҳиссага кўпайтириш режамиз бор. Энг муҳими, айрим хўжаликлар сингари миллион-миллион сўм маблағ сарфлаб, бошқа вилоятлардан кўчат ташиётганимиз йўқ. Мақсадимиз — машҳур боғбон Ризамат ота Мусамуҳаммедов яратган боғлар изидан яна муносиб боғлар яратиш...

Дарҳақиқат, бу ҳаракатлар кишини қувонтиради. Аммо, Ризамат ота боғи тикланса яна бир хайрли иш бўларди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

ўз акциядорлари ва мижозларини, бутун Ўзбекистон халқини НАВРЎЗ айёми билан чин қалбдан табриклайди ва Сизларга янги «Баҳор» муддатли омонат турини таклиф этади.

Мазкур омонатга маблағлар 9 ой муддатга сақлаш шарти билан қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар уч ойда тўлаб борилади.

Шунингдек, «Пахта банк» Сизлар учун қулай бўлган 12 турдаги манфаатли омонат турлари ҳамда сўм пластик карточкаларини таклиф этади. Сизнинг омонатларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Хизматлар лицензияланган

Орамиздаги одамлар

АБАДИЯТ ФАЛСАФАСИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ОРАСИДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН БИРИНЧИ ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГ ПРОФЕССОР, «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ СОҲИБИ ҚЎЧҚОР МИРАЗИЗОВНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА СУЛОЛАСИ ҲАҚИДА

Ҳар бир соғлом фикрли одам башариятга дахлдор эзгулик тушунчасининг боқиёлигини идрок этади ва ўзидан оиласига, фарзандларига нимадир қолдириб кетишни истайди. Шундан келиб чиқиб, у умрининг мақсади ва мазмунини белгилайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Сенат аъзоси Эркин Воҳидов мақолаларидан бирида қуйидаги ибратли мисолни келтиради: *«Тасаввур қилинг: буюк авиаконструктор Туполевнинг ўғли Туполев отасининг ёнида турмаганида ёки шоир Ҳамзат Цадасанинг ўғли Расул Ҳамзатов баъзи ўртоқларининг қараши билан адабиёт институтига қабул қилинмаганида илм-фан, адабиёт кўп нарса йўқотган бўлмасмиди? Узоққа бориб ўтирмайлик: Пўлкан бахшининг ўғли Умарқул Пўлкан, набираси Амирқул Пўлкан яхши шоир эдилар, мана яқинда эвараси Саодатнинг ҳам шеърлари эълон қилинди».*

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Қўчқор МИРАЗИЗОВнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам барчамизга ибрат бўларли, ўрнак олишга арзирлидир. У Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини 1949 йилда муваффақиятли тугатиб, Ўрта Осиёда ягона бўлган оториноларингология клиникасига ординаторликка қабул қилинди. 1952 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти оториноларингология кафедраси ассистенти этиб тайинланди.

У ўша йиллари ташкил этилган санитария авиацияси хизматига жалб этилди. Ёш олим экспедиция билан республиканинг турли гўшаларида бўлиб, минглаб беморларни тиббий кўрикдан ўтказди, даволади, соҳаси бўйича кўплаб тажрибалар олиб борди. Оғир касталикка чалинган беморлар Қўчқор Миразизовнинг муолажаларидан шифо топа бошладилар. Шундан сўнг олим илмий ишларини давом эттиришга киришди. 1957 йилда **«Чакка суягида ташқисдан кейин учрайдиган йирингли яраларнинг битиш жараёнини текширишнинг айрим усуллари»** мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. **1965** йилда эса оториноларингологиянинг долзарб муаммоларидан бўлган **«Бош суяги ичида бўладиган отоген асоратларининг этиологиясига, патогенезига, ташқисига ва муолажасига доир»** мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Тиббиёт фанининг бу йўналишида нафақат ўзимизда, балки Марказий Осиёда ҳам тажриба йўқ, изланишлар олиб борилмаганди. **Бу иш эса Ўрта Осиё тиббиётида улкан янгилик, Қўчқор Миразизов туркий халқлар ичидан чиққан биринчи оториноларинголог профессор эканлиги эътироф этилди.**

У **1968-1997** йилларда I ТошДТИ қулоқ, бурун, ҳалқум ва ҳиқилдоқ касалликлари кафедрасини бошқарди. Олим раҳбарлигида 50 дан ортиқ дарслик, ўқув-қўлланма ва услубий тавсиялар тайёрланди. Бугунги кунда унинг кўплаб шогирдлари МДҲ давлатлари ва хориждаги тиббиёт олийгоҳларининг йирик кафедра ва марказларига раҳбарлик қилмоқда.

Қўчқор Миразизовнинг ташаббуси билан I ТошДТИ оториноларингология клиникаси қошида 1985 йилда Марказий Осиёда ягона «Юқори нафас йўллари ва эшитувини микрохирургик қайта тиклаш маркази» ташкил қилинди. Бу ерда қулоқ, ҳиқилдоқ ва кекирдакни 100 дан ортиқ янги даволаш услублари амалиётга татбиқ қилиниб, минглаб беморлар саломатлиги қайта тикланди.

У салкам ўттиз йил давомида I ТошДТИ оториноларингология кафедраси мудири, Ўзбекистон оториноларингологлар илмий-амалий уюшмаси раиси, Республика оториноларингология маркази директори, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош оториноларингологи сифатида ҳам катта ишларни амалга оширди.

Қўчқор Миразизовнинг илмий раҳбарлигида шу кунгача **6** докторлик, **36** та номзодлик диссертацияси тайёрланди.

Олим фаннинг долзарб муаммоларига бағишланган **257** илмий мақола, **8** та муаллифлик шаҳодатномаси ҳамда **48** ихтирочилик тавсиялари муаллифи. Бундан ташқари у АҚШ, Германия, Туркия, Греция, Россия, Сурия каби кўплаб давлатларда ўтказилган халқаро анжуман ва симпозиумларда долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирок этди.

Домланинг халқимиз соғлиғини сақлаш йўлидаги хизматлари юксак қадрланиб, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан **«Эл-юрт ҳурмати»** орденига сазовор бўлди.

— Биласизми, гарчи нокамтарлик бўлса-да, яна бир гапни айтмоқчиман. Менинг илмий ишларимдан ташқари энг қадрли, Тангри инъом этган шоҳ асарларим ҳам бор. Булар — фарзандларим, умримнинг мазмуни, эзгу ишларимнинг давомчиларидир. Улар билан ҳар қанча фахрлансам арзийди, — дейди Қўчқор Миразизов. — Болаларим, улардан кейин набираларим бугунги кунда менинг касбимни улуғлашмоқда.

Қўчқор Миразизовнинг умр йўлдоши, кўзга кўринган олима **Инобат Раҳимова** домла билан қўша қариб, фарзанд, набира, эваралар, шогирдлар эъзозида умргузаронлик қилмоқда. 1949 йилда оила қурдилар. Инобат Раҳимова 1951 йилда институтнинг микробиология кафедраси аспирантурасига қабул қилинди ва шу йилнинг ўзида ассистент этиб тайинланди. **1955** йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шундан кейин 1958 йилда Тошкент фармацевтика институти доценти, 1965 йилдан 1997 йилгача мазкур даргоҳ микробиология ва гигиена кафедрасини бошқарди. **1983** йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, «профессор» илмий унвонига эришди. Шунингдек, у **25 та** ихтирочилик гувоҳномаси, **130** дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

— Ким ҳақиқий олим, тарбиячиман деб даъво қиладиган **«Ўрта қулоқнинг сурункали йирингли яллиғланишлари натижасида содир бўладиган карликни жарроҳлик усулида тиклаш»** мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

У бугунги кунда 1-Марказий клиник шифохонада қулоқ, бурун, ҳалқум ва ҳиқилдоқ касалликлари бўйича бош мутахассис бўлиб ишламоқда.

— Мен касбимга болалигимдан меҳр қўйганман, — дейди Шоҳида Шамсиева. — Тақдирни қарангки, шифокорлар оиласида туғилиб ўсдим, ўзим ҳам шу соҳани танладим ва шифокорлар оиласига келин бўлиб тушдим. Қайнотам — машҳур педиатр олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик марҳум **Сайфи Шамсиевни** нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам яхши билишади. Турмуш ўртоғим **Фазлиддин Шамсиев** ҳам шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Бугунги кунда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти педиатрия кафедраси мудири бўлиб ишламоқда. Фарзандларимиз ҳам ота-онаси, боболари каби шифокорлик касбини танлашди. Ўғлим **Жаҳонгир** отам каби машҳур оториноларинголог олим бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қизимиз **Шаҳнозахон** ҳам бу йил Тошкент педиатрия институтини тамомлаб, сулоламиз сафига қўшилади...

Домла Қўчқор Миразизовнинг умид юлдузи бўлган энг суюкли набираси **Жаҳонгир Шамсиев**нинг болалиги бобосиникида ўтди. У ўрта мактабни тугатиб, 1991-1997 йилларда I ТошДТИ даволаш факультетида таълим олди. 1997-1999 йилларда клиник ординатурани ўтади. Дунёдаги йирик оториноларингологлар тажрибаларини ўрганиш ва уни тиббиётимизга татбиқ қилиш мақсадида 1998 йилда Германиянинг Киль шаҳрида малака ошириб қайтди. Сўнгра профессор Кундуз Хўжаева илмий раҳбарлигида **«Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларидаги йирингли яллиғланишли асоратланган беморларда қоннинг реологик хусусиятини ўрганишнинг клиник моҳиятлари»** мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли якунлаб, 2001 йили **27** ёшида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Жаҳонгирнинг шу давр ичида фаннинг долзарб муаммоларига бағишланган **42** та илмий мақоласи эълон қилинди. Шундан ўттизтаси АҚШ, Россия, Германия, Англия, Канада, Испания, Хитой каби ривожланган давлатлар нашрларида босилиб чиқди. Жаҳонгир эришган ютуқлари ва фанда яратган янгиликларини жаҳоннинг йирик олимлари олдида намойиш этиш мақсадида Россия, Туркия, Голландия, Қозоғистон каби давлатларда бўлиб ўтган ўнга яқин халқаро конференция ва симпозиумларда қатнашди. У бир қатор халқаро жамиятлар, ассоциациялар аъзолигига қабул қилинган.

Бугунги кунда Жаҳонгир I ТошДТИ оториноларингология кафедрасида бобоси ёнида туриб, унинг кўрсатма ва маслаҳатлари билан ўта мураккаб жарроҳлик операцияларини муваффақиятли бажариб, докторлик иши устида илмий изланишларини давом эттирмоқда.

— Ўғлим **Равшанжон Миразизов** ҳам оториноларинголог шифокор бўлиб етишди, — дейди Қўчқор Миразизов. — Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, уни 1979 йилда тамомлади. 1989 йилда профессор Абдумалик Дадамуҳамедов илмий раҳбарлигида **«Болаларда учрайдиган карликнинг олдини олиш ва уни муолажа қилиш тадбирлари»** мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг юзга яқин илмий мақоласи, 2 та услубий қўлланмаси нашр этилган. Бугунги кунда эса Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-республика клиник шифохонаси лор бўлимини бошқармоқда.

— Фалакнинг гардишини қарангки, турмуш ўртоғим **Дилоромхон,** қизимиз **Диллола** ҳам шифокор. У бугунги кунда I ТошДТИ магистри, — дейди Равшан Миразизов.

— Умр деганлари оқар сувдек гап экан, — дейди Қўчқор Миразизов. — Аввал болаларимга ўргатган бўлсам, ҳозир бир эмас икки набирам мен билан бир кафедрада ишлаяпти. Жаҳонгир қизимнинг ўғли бўлса, Диллола ўғлимнинг қизи.

Яқинда набирам Жаҳонгирникига борсам икки ёшли ўғли **Дониёржон** рефлектор (пешона ойнаси)ни қўлига олиб тақишга уринаётганини кўриб ишонасизми, беихтиёр кўзларимга кувонч ёшлари келди. Англаганим шу бўлдики, сулоламиз анъанаси давом этади, менинг ишларимни худо хоҳласа, чевараларим ҳам давом эттиради.

Ҳа, бу оила бугунги кунда кичик тиббиёт академиясига айланган. Абадият фалсафаси дегани ҳам шу бўлса керак.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

✧✧✧

Суратда: профессор Қўчқор Миразизов оилавий сулола вакиллари — қизи Шоҳидахон Шамсиева, ўғли Равшан Миразизов ҳамда набиралари Диллола ва Жаҳонгирлар билан.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Дунёда пластик карточкалардан фойдаланиш тобора оммалашаётгани сайин мамлакатимизнинг қатор тижорат банкларида ҳам унинг тизими кенг жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу тизимни янада ривожлантиришга қаратилганлигининг боиси ҳам шунда.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Шуҳратбек БОБОЖОНОВ, «Асака банк» Асака шаҳар филиали бошқарувчиси:

— Филиалимизда пластик карточкаларни эмиссия қилиш 2000 йил июль ойида бошланган бўлиб, ҳозир эмиссия қилинган пластик карточкалар сони 4000 тадан ошиб кетди. Шу давргача шаҳримизда фаолият кўрсатаётган ўттизга яқин корхона ва ташкилот ишчи-хизматчилари ойлик иш ҳақларини пластик карточкаларда олишмоқда. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, Асака шаҳар ҳокимлиги, шаҳар молия бўлими, «Анзис» акциядорлик жамияти ва унинг шўъба корхоналари, «Нажот» фирмаси каби ўнлаб муассасалар ана шулар жумласидандир.

Бугунгача пластик карточкаларга тушурилган жами иш ҳақи миқдори 3,75 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, савдо дўконлари орқали қилинган савдонинг умумий миқдори 471,4 миллион сўмга етди. Бундан ташқари коммунал тўловлар, солиқлар ва таълим соҳаларига нақд пулсиз ўтказилган маблағларнинг умумий миқдори ҳам 167,8 миллион сўмни ташкил этди. Пластик карточкалар билан савдо қилувчи дўконлар, дориханалар ва сервис хизмати кўрсатувчи шахобчалар кундан кунга кўпаймоқда. Уларга терминаллар ўрнатиш ишлари кўнгилдагидек бормоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

XORIJDA

Walt Disney раҳбари ўзгаради

Walt Disney корпорацияси раҳбари Майкл Эйснер ўз лавозимини муддатидан бир йил олдин топширишини маълум қилди. Эйснер ўрнини компания президенти Роберт Айгер эгаллайди.

Тинчлик шартномаси тузиш йўлида

Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос Қоҳирада Фаластиннинг асосий ташкилотлари ва гуруҳлари билан музокаралар олиб бормоқда. Музокараларни ўтказишдан мақсад ташкилот ва гуруҳларни Исроил билан узоқ муддатли тинчлик шартномаси тузишга ишонтиришдир. Музокаралар ҳафта охиригача давом этади.

ХАМАС ташкилоти вакили тўлақонли тинчликка эришиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини айтди. У ўт очиш бир неча ойга тўхтатилиши мумкин, деди.

Исроил бош вазири Ариэль Шарон ўт очишни тўхтатиш тинчлик ўрнатиш учун етарли чора эмас, бунинг учун фаластинлик айирмачи гуруҳлар терроризмдан воз кечишлари зарур деб таъкидлади.

Муддатидан олдин сайлов

Боливия президенти Карлос Меса мамлакатда муддатидан илгари сайловлар ўтказмоқчи эканлигини маълум қилди. Бу ҳақда у иқтисодий сиёсатдан норози кишилар оммавий намойиш ўтказаётган пайтда хабар қилди.

Меса президентлик ваколати тугашига ҳали 2 йил қолган бўлишига қарамай, конгрессга сайловларни август ойида ўтказиш режасини тасдиқлаш мажбуриятини юкламоқчи.

Италия қўшинларини олиб чиқади

Италия бош вазири Сильвио Берлускони ўз қўшинларини Ироқдан 2005 йилнинг сентябрида олиб чиқа бошлашини маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, қўшинларни олиб чиқиш иттифоқчилар билан тузилган шартнома доирасида амалга оширилади.

Ироқдаги хорижлик ҳарбийлар сони ҳисоб-китоб қилинса, Италия тўртинчи ўринда туради. У ерда 3 минг нафар италиялик ҳарбий бор.

Пул эгаларига топширилди

Россиянинг федерал хавфсизлик хизмати чечен сепаратистлари етакчиси Аслан Масхадов ҳақидаги маълумотни етказган шахсларга ваъда қилинган 10 миллион долларни топширди.

Ўтган йилнинг сентябрида Беслан воқеалари пайтида Россия ҳукумати Масхадов ёки дала қўмондони Шомил Басаевни топишга ёрдам берган кишиларга 10 миллион доллар ваъда қилган эди.

Шунингдек, Россия махсус хизмати Масхадов ҳақидаги маълумотни етказган шахсларга Россиядаги бошқа ҳудудларга ёки мусулмон давлатларининг бирига кўчиб ўтишига ёрдам берилишини маълум қилди.

TDM

«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ»

акциядорлик жамияти жамоаси

ўз акциядорлари, мижозларини, барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий қутлайди!

Наврўз табиатнинг уйғониш фасли, умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми, қолаверса, орзу-умидлар рамзидир. Шундай экан, бу баҳорий байрам хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, қалбларингизга эзгу туйғулар ва қувонч олиб кирсин.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
Халқимизнинг байрамлари, тўйлари, яхши кунлари кўпаяверсин. Корхоналаримизда тайёрланаётган сифатли ун маҳсулотлари ана шу тантаналарга совға бўлсин!

Наврўз юртимизга қувонч ва қут-барака олиб келсин!

Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири бўлган

O'ZTADBIRKORBANK

ТАДБИРКОР

акциядорлик-тижорат банки жамоаси

Ўзбекистон халқини қадимий ва шукуҳли НАВРЎЗ байрами муносабати билан қизғин муборакбод этади.

Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилайди. Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин. Аллоҳ назари тушган юртимиздан тўкин-сочинлик ва қут-барака асло аримасин!

Юртимизда тадбиркорлар сафи кўпаяверсин.

Здравствуй, Навруз!

Коллектив Ташкентского городского предприятия электросетей от всей души поздравляет жителей столицы, всех узбекистанцев с наступающим праздником!

Этот прекрасный весенний праздник олицетворяет важнейшие духовные ценности нашего народа – доброту, милосердие, щедрость...
Поэтому он так близок сердцу каждого человека.
Пусть Навруз принесет всем счастье и радость.

Желаем процветания нашей республике, а узбекистанцам — мира, согласия и благополучия!

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Хондамир 1-тор кўча 18-уйда жойлашган «CHEK-SERVIS» МЧЖ банкрот деб эълон қилинаётганлиги сабабли барча талаблар эълон чоп этилгандан эътиборан бир ой ичида қабул қилинади.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис Жонбўтаев Ҳаким Нурбоевич номига Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси томонидан 1998 йилда берилган 94/0910 сонли малака аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бир хат изидан

ҚАРОР ҚАЧОН ИЖРО ҚИЛИНАДИ?

ЁХУД АРНАСОЙ ТУМАНИДАГИ «САДБАРГ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТИКЛАШ, АНИҚРОҒИ СУД ҚАРОРИ ИЖРОСИ БИР ЙИЛДАН БЕРИ ПАЙСАЛГА СОЛИНАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Таҳририятга келган шикоят хатининг мазмуни шундай: «Биз, — деб ёзишибди шикоятчилар, — 1993 йилда ўзимиз ишлаб келаётган Арнасой тумани марказидаги «Маиший хизмат уйи» биносини хусусийлаштириб, унинг негизида «Садбарг» хусусий маиший хизмат ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилган эдик. Қарийб ўн йил давомида корхонамиз жамоаси аҳолига баҳолиқудрат хизмат кўрсатиб келди. 2001 йилдан корхонамиз ёнида жойлашган, қурилиши тўхтаб қолган алоқа узели биноси негизида янги касб-ҳунар коллежи қуриш учун тегишли тартибда лойиҳалаш ишлари бошланди. 2002 йилга келиб коллеж қурилиши комплексига бизнинг икки қаватли пишиқ ғиштдан барпо қилинган «Маиший хизмат уйи»миз биноси ҳам қўшилиб кетди. Бунга қарши эмасмиз. Лекин зиммасига бизнинг мулкимиз бўлган бинони сотиб олиш ва бунинг учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси юкланган Жиззах вилоят Капитал қурилиш бошқармаси ғайриқонуний йўл тутди. Бошқарманинг ўша пайтдаги бошлиғи томонидан ишчи-усталаримизга дўқ-пўписалар бўлди ва улар бинодан чиқариб юборилгач, таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу тариқа корхонамиз мулки бўлган «Маиший хизмат уйи» биноси вилоят Капитал қурилиш бошқармаси (ҳозирги вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» айби билан ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмасдан, олди-сотди шартномаси тузилмасдан, тайёр бинонинг қиймати қурилиш учун ажратилган маблағ суммасидан чегириб қолинмасдан янги қурилаётган касб-ҳунар коллежи комплексига қўшилди-кетди.

Шундан сўнг бузилган ҳақ-ҳуқуқимизни тиклаш ва бино қийматини ундириб беришни сўраб вилоят хўжалик судига даъво аризаси бердик. Вилоят хўжалик судининг ушбу низо бўйича чиқарган қарори бизни қаноатлантирмагач, республика Олий хўжалик судига мурожаат қилдик. Иш қайта кўриш учун Тошкент вилоят хўжалик судига ўтказилди. Ҳақиқат бор эканки, бу сафар, яъни 2003 йилнинг 28 ноябрь куни Тошкент вилоят хўжалик суди бизнинг корхонамизга Жиззах вилоят Капитал қурилиш бошқармаси ҳамда Арнасой туман ҳокимлигидан солидар тартибда 29,4 миллион сўм ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Кейин вилоят Капитал қурилиш бошқармаси собиқ бошлиғининг аризалари асосида ушбу ҳал қилув қарори апелляция ва кассация тартибида Тошкент вилоят хўжалик суди ҳамда Олий хўжалик судида қайта кўрилиб, ўз кучида қолдирилди.

Қонуний кучга кирган Тошкент вилоят хўжалик судининг 2003 йил 28 ноябрдаги ҳал қилув қарори ижрони таъминлаш учун Жиззах шаҳар суд қарорларини ижро этиш бўлимига топширилди. Афсуски, орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан ҳал қилув қарорининг ижроси негадир пайсалга солинаяпти ва биз — мулкдорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланиши ҳар хил баҳонаю, сабаблар билан чўзилиб бораяпти».

Хўш, мулкий низо масаласида суднинг ҳал қилув қарори чиққан ва у аллақачон кучга кирган, шу асосда тегишли тартибда ижро иши қўзғатилган бўлсаю, орадан шунча вақт ўтаётганига қарамасдан у нега ижро этилмаяпти? Ёки ижрони амалга ошириш учун объектив ва субъектив тўсиқлар бўлаяптимикан? Балки тўловчининг тўлов лаёқати йўқ ёки имкониятлари чегараланганлиги важидан ижро орқага сурилаётгандир?

Шу каби саволларга жавоб топиш, масалага ойдинлик киритиш мақсадида республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг вилоятдаги ҳудудий бўлими раҳбари **Аҳмад АБДУҚОДИРОВ** ҳузурида бўлдик:

— Тўғри, мазкур иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси иш юритувига 2004 йил 23 апрель куни келиб тушган ва ижро иши қўзғатилган. Бу ҳақда тегишли тартибда қарор ҳам чиқарилган. Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган судга юборилган. Сўнгра ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги важидан мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилган ва ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаш учун вилоят Капитал қурилиш бошқармасининг ҳуқуқий вориси бўлган «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига тегишли бўлган «Нексия» русумли автомашинага банд (арест) солишлик мақсадга мувофиқ деб топилган. Яна қарздорга тегишли бўлган жами 4 миллион 194 минг 440 сўмлик товар-моддий бойликлар хатловдан ўтказилган ҳамда бу мол-мулк турларга бўлиниб талаб ва таклифнинг бозор конъюктураси ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида, ижро этиш кунида амалда бўлган нархларда мутахассислар томонидан баҳоланган. Энди, нима десам экан? Қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Юқорида айтилган ишларни қилдик, биз томонимиздан ҳаракат бўлаяпти. Бироқ, ҳаммасиям ҳамирдан қил суғиргандай осон кечмаяпти-да. Айрим сабаблар, ташқи таъсирлар остида ижронинг чўзилаётгани рост. Бунинг учун шу иш бўйича ижро ҳаракатлари юргизаётган суд ижрочисини бир неча марта огоҳлантирдик ҳам. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ишимиз оғир, бошимизда юз хил ғалва... Бу ишни ўзим назоратга олаяпман. Насиб қилса, бирон ойда ҳал қилув қарорининг ижросини охирига етказамиз.

Энди бевосита шу иш юзасидан ижро ҳаракатлари ўтказаётган шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси суд ижрочиси **Ҳамза Нормуродов**нинг гапларига қулоқ тутайлик:

— Дастлаб бу ишни шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси суд ижрочиси Ж.Исматов юргизаётган эди. У бошқа ишга ўтиб кетгач, ишни ҳамкасбимдан мен қабул қилиб олдим. Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилаяпман. Хусусан, «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси»га тегишли «Нексия» русумли 13 CV 122 давлат белгили автомашинага банд (арест) солиш ва уни жиноят ишлари бўйича шаҳар суди биносига келтиришни таъминлаш масаласида Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси раҳбарларига бир неча бор расмий хат билан мурожаат қилдик. Аммо бу бошқарманинг раҳбарлари суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талабларини бажариш республика ҳудудидаги барча органлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар томонидан мажбурий характерга эга эканлигини яхши билсалар-да, негадир мурожаатларимизга жавоб қайтаришни орқага сураяптилар. Яқинда қарздорнинг мол-мулкини қисман хатловга олдик ва баҳоладик. Энди уларни ундирувчига ундирилиши керак бўлган қарз ҳисобига олишни тавсия қилмоқчимиз...

Ижрочининг сўзларини тинглаб беихтиёр кўнгилдаги саволлар тилга кўчади: «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 30-моддасида **«Суд ижрочиси ижро ҳужжатларининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳаракати келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим»** деб аниқ қилиб ёзиб қўйилган.

Юқоридаги қонуннинг 82-моддасида қайд этилганидай ижро ҳужжати уни ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаган тақдирда ёки қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжати узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этилмаган тақдирда, суд ижрочиси жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваригача жарима солиши мумкин. Ёки шу қонуннинг 87-моддасида **«Суд ижрочисининг талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришига монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади»** дейилади.

Суд ижрочиси юқоридаги иш бўйича ваколатидан келиб чиқиб, кимга, қайси мансабдор шахсга жарима солди? Қонуний талабини бажармагани учун кимнинг, қайси мансабдор шахснинг устидан қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи ташкилотга мурожаат қилган экан? Суд ҳужжатининг ижро этилмагани аслида ижрочида қатъиятлик, дадиллик етишмаётганида эмасмикин?..

«Садбарг» хусусий корхонаси мулкдорларининг талаби битта — суд ҳужжати қачон ижро этилади? Биз ҳам шу саволни такрорламоқчимиз: «Садбарг» корхонасининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қачон таъминланади?

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Китоб жавонингизга

МУҚАДДАС АЁЛ

Қадим Туркистонда аёл ҳамиша ардоқда, эъзозда бўлгани маълум. Асрлар давомида оналаримиз, опа-сингилларимиз «ойим», «бегим», «бону», «хоним» каби гўзал сифатлар билан улуғланган. Ана шундай юксак эътибор туфайли ўзбек аёллари орасидан жаҳонга номи танилган шоиралар, санъаткорлар, хушовоз хонандалар, олимлар, тиббиёт ходимлари, таниқли педагоглар етишиб чиқди. Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб аёллар ҳукумат ардоғида. Бунга 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилингани ёрқин мисол. Аслини олганда, «Қариялар йили», «Меҳр ва мурувват йили», «Сиҳат-саломатлик йили»да ҳам биринчи навбатда меҳрибон оналар, мунис опа-сингилларнинг турмуш шароитларини, соғлиғини яхшилаш кўзда тутилган. Ҳукуматимиз аёллар, хотин-қизларнинг меҳнатини ҳар доим муносиб қадрлаб келгани туфайли кўплаб фидойи аёллар, жамоат арбоблари республикамизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Улар орасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлганлар ҳам бор.

Таниқли публицист Юсуф Бердиев «Сиз ҳамиша мукаррамсиз» деб номланган янги китобини ана шу шарафли унвонга эришган ўзбек аёлларининг ҳаётий сиймосини, фидокорона меҳнатини тасвирлашга бағишлаган. Китобда қаҳрамон аёлларнинг шарафли меҳнати, меҳрга, саховатга тўла қалби, одамийлиги жонли лавҳалар, ибратомуз воқеалар, суҳбатлар воситасида самимий тасвирланган. Китобни варақлар эканмиз, биз ҳам воқеалар иштирокчисига айланиб, муаллиф ҳамроҳлигида гоҳ Бухорода, гоҳ Қўқону Наманганда, гоҳ Нукусда, гоҳ Хиваю Тошкентдаги мазмундор гурунгларда, қайноқ меҳнат жараёнида қатнашамиз, Муяссар Темирова, Ойшахон Қўчқорова, Манзура Маъдалиева, Онесия Саидова, Мартия Раҳматова, Мавлуда Исматова, Вера Борисовна Пак, Дилбар Акрамова каби турли касб ва ихтисос эгаларининг инсоний фазилатлари, маънавий олами билан танишамиз.

Китобдаги очеркларнинг яна бир жиҳати шуки, публицист қаҳрамонларининг таржимаи ҳолини сўзлаб бериш, мақтовлар ёғдириши йўлидан бормайди. Уларнинг қандай одамлигини жонли лавҳаларда, эсда қоладиган чизгилар воситасида очиб беришга, бетакрор қиёфасини меҳр билан тасвирлашга интилади. Бу — муаллиф услубини белгиловчи фазилатдир. Муаллиф ҳар бири ўзига хос турфа олам бўлган қаҳрамон аёлларнинг ўзига хос ички дунёсини, касб-корига тегишли сир-синоатларни, оила, меҳнат, жамоат ишларида дуч келган машаққатли синовларни енгишдаги сабр-тоқатини жонли лавҳаларда, изланиш жараёнларида кўрсатишга эришади.

Қаҳрамонлар ҳаётини пухта ўрганиш асосида яратилган бу публицистик лавҳалар, очерклар фақат муаллифнинг эмас, балки бутун жамоатчиликнинг фидойи замондошларимиз — қаҳрамон ўзбек аёлларига юксак эҳтиромини ўзида мужассамлаштирган.

Тўпламга Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ихчам, мазмундор сўзбоши ёзиб, муаллиф изланишларини юқори баҳолаган.

Баҳор байрамлари арафасида чоп этилган Юсуф Бердиевнинг «Сиз ҳамиша мукаррамсиз» тўплами мухлислар учун муносиб совға бўлди.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

«УЧҚЎРҒОН ЁҒ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини байрамлар маликаси — «Наврўз» муносабати билан самимий муборакбод этади. Одамлар қалбида баҳорий кайфият, ажиб бир кўтаринки руҳ ҳукмрон бўлиб турган ушбу кунларда ҳаммага омад тилайди. Юртдошларимизни янгиланиш фасли билан қутлаш баробарида, эрта-индин барака уруғини қадашга шай бўлиб турган деҳқонларимизга муваффақиятлар тилайди.

Илоҳим, йилимиз баракали келсин. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.
Дастурхон тўкинлиги, ҳаётимиз фаровонлиги ошаверсин!







«ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ»

давлат унитар корхонаси жамоаси

Меҳридарё Ўзбекистон халқини, юртимизга ташриф буюрган барча азиз меҳмонларни гўзал баҳор айёми — Наврўз билан чин юракдан тавриклайди. Ушбу файзу барокатли кунларда юртимизнинг ҳар бир хонадонига бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайди!

Баҳор яшариш, гўзаллик фасли. Шу билан бирга бутун мавжудот учун уйғониш, бободеҳқонларимиз учун меҳнат фасли бошланишидир. Ушбу қутлуғ кунларда тилагимиз шуки, бу йил уларнинг хирмонлари янада баракали бўлсин!

«ПАХТАКОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Футбол

Осиё чемпионлар лигаси баҳслари қисқа давр ичида миллионлаб мухлислар эътиборини қозонди. Қитъамиз футболи янада ривожланишида, жамоаларнинг ўзаро тажриба алмашишида бу мусобақа алоҳида аҳамиятга эга.

Лигада футболи ривожланган ўн тўрт мамлакатнинг икки жамоаси — чемпион ва кубок соҳиби иштирок этади. Агар икки турнирда ҳам бир жамоа ғалаба қозонган бўлса, чемпионатнинг кумуш медали соҳиби иккинчи жамоа ўрнини эгаллайди. Йигирма саккиз жамоа етти гуруҳга тақсимланган ҳолда баҳс юритади ва чорак финалга фақат гуруҳ ғолибларигина йўл олади. Аввалги йилларда лига ғолиби ҳам саралаш босқичида иштирок этарди. 2005 йилдан бошлаб чемпион мусобақага чорак финалдан қўшиладиган бўлди.

Ёдингизда бўлса, 2004 йилги мавсумда Бахрайннинг «Ал-Риффа» жамоаси мусобақада қатнашишдан бош тортгани бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқарганди. Шу боис, ОФК раҳбарлари Бахрайн клубларини жазолашга қарор қилди ва энди бу мамлакатдан бирорта жамоа мусобақага қўйилмайди. Бахрайннинг ўрни эса сўнгги вақтларда футболи сезиларли даражада ривожланаётган Сурияга берилди.

Янги регламентга мувофиқ мамлакатнинг бир жамоаси уйида тўп сурса, иккинчиси сафарга йўл олади. Бироқ, бу янгилик баъзи жамоалар учун иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ўтган йилги баҳсларда «Пахтакор» ва «Нефтчи» меҳмонга биргаликда отланишарди. Натижада харажатлар камаярди.

Чемпионлар лигаси билан боғлиқ яна бир янгилик шуки, ушбу мавсумдан бошлаб мусобақага ажратилган маблағ миқдори анча оширилди. Эндиликда сафарда ўйновчи жамоа учун 20 минг АҚШ доллари ажратилади. Финалда иштирок этган жамоа 600 минг доллар, чемпион эса 1 миллион доллар соҳиби бўлади. Шунингдек, тақвимни бироз тартибга солиш ва ОФК қошидаги маркетинг хизматига қулайликлар яратиш мақсадида бу йилдан бошлаб учрашувлар фақат чоршанба куни ўтказиладиган бўлди.

Одатдагидек, бу йилги мавсумда ҳам мамлакатимиз шарафини «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ҳимоя қилмоқда. 9 март куни бўлиб ўтган дастлабки турда «Пахтакор» Сурияннинг ўн карра чемпиони «Ал-Жаиш» жамоаси меҳмони бўлди ва 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. «Нефтчи» эса Кувайтнинг «Ал-Кувайт» жамоасини қабул қилди. Акмал Холматов киритган ягона тўп фарғоналикларга дастлабки очколарни тақдим этди.

Кеча «Нефтчи» БААда «Ал-Аҳли» жамоаси меҳмони бўлди. Тошкентда эса гуруҳ баҳсларининг иккинчи тур учрашувларидан бири «Пахтакор» ва «Ал-Заврa» жамоаси ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ ироқлик футболчилар ўйин тизгинини ўз қўлларига олишди ва биринчи бўлиб тўп киритишди. Очиғини айтганда, ҳамюртларимизнинг ҳужумлари қовушмади. Гарчи, иккинчи бўлимда Сервер Жепаров пенальтидан ҳисобни тенглаштирган бўлса-да, рақибларимиз учрашувнинг сўнгги дақиқаларида «Пахтакор» дарвозасига яна бир тўп киритишди. Тошкентликлар 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

Анвар САМАДОВ

ПЛАТИНИ ПРЕЗИДЕНТЛИККА ДАЪВОГАР

Интер-спорт

Франция терма жамоасининг собиқ сардори, қитъанинг уч маротаба энг яхши футболчиси, деб эътироф этилган Мишель Платини Европа футбол иттифоқи ассоциацияси президенти лавозимига даъвогарлик қилмоқда. У замонавий футболда ечимини кутаётган муаммолар кўплигини таъкидлайди. Ҳозирги пайтда УЕФАга швед Леннарт Юханссон бошчилик қилмоқда.

Франция футбол федерацияси вице президенти бўлиб турган 49 ёшли Платини матбуот йиғилишида ана шундай баёнот берди. У УЕФАга мактуб йўллаб, президент лавозими учун ўтказиладиган сайловда иштирок этмоқчи эканлигини маълум қилган. Мишель 2002 йилдан бери УЕФА ва ФИФА ижроқўми аъзоси саналади. «Мен футбол бошқача бўлишини истайман. Бу ўйин мухлисларда янада кўпроқ таассурот қолдириши керак, — дейди Платини. — Шунинг учун мен кўпроқ мароқли ўйин тарафдориман. Боиси, футбол — фақат бизнес эмас. Албатта, футболдаги инқилобий ўзгаришлар ҳақида сўз бораётгани йўқ. Лекин етилган муаммоларни ҳал қилиш пайти келди».

УЕФА президентлиги лавозими учун ўтказиладиган сайловлар 2006 йилга мўлжалланган, деб таъкидлайди футболчи. Балки бу муддатни, унинг фикрича, 2007 йилга ўтказиш ҳам мумкин.

Эслатамиз, Платини 72 маротаба миллий терма жамоада ўйнаб, рақиб дарвозасини 41 марта ишғол этган. Бу ўзига хос рекорд бўлиб, уни ҳали ҳеч ким такрорлагани йўқ. Бундан ташқари, у 1983, 1984 ва 1985 йилларда кетма-кет «Олтин тўп» соҳиби бўлган.

Ўзбек феъли

ОТА СЎЗИ ВОЖИБ

Отам серзарда эдилар. Уйда у кишининг айтганлари айтган, деганлари деган бўлган. Гап қайтариш, қаёқда дейсиз, «Ота сўзи — вожиб» эди. Ҳатто кўчакўйда ҳам биронтаси олдиларидан йўлни кесиб ўтолмасди. Тўй-ҳашам, маърака ёки йиғинларда фармонбардор эдилар. Чойхонада ёш-яланглар одоб сақлаб, сиполашиб қолардилар. Қариялар-у хешлари ўзларини ўнглаб, кўнгилларига ифтихор туярдилар. Отамнинг феълини Аҳмад чойхоначи яхши биларди. У сал гап қочдими, пайровни дарров шунга мойиллаб, муҳитни юмшатишда устаси фаранг эди.

Бир кун отам: акангни чойхонадан айтиб кел, деб қолдилар. Чойхонага чопдим. Акам улфатлари даврасида экан. Уни имлаб, «уйга», ишорасини қилдим. У тайсаллади. Буни чойхоначи кўриб турган экан.

— Мулла Музаффар, бу нима қилиқ. Отангизнинг феъли маълум, ҳозир дилингиз сиёҳ бўлади. Яна сизга қўшиб, бизни ҳам койимасинлар. Туринг... уйга боринг.

Чойхоначининг гапини икки қилолмай, акам орқамдан эргашди.

Қарасам аҳвол чатоқ. Айвонда икки укам, ўртанча акам мулзам. Отамнинг қовоғи уйилган. Улар бир қоп сомонни онам тарафга итқитиб, бизга юзландилар.

— Бу, дейман беш ўғилни ота изидан юрмас, изимга бўйсинмас этиб тарбиялапман-да... Ҳали, қариганда барча юмушларни ўзим қиларканман-да. Йўқ... бунақаси кетмайди. Бўлсаларинг шу пайтдан ўнглан! Эртага юзимни ерга қаратмай, ҳозироқ даф бўлиб қўя қолларинг.

— Шунга шунчами... бунча асабингизни бузмасангиз... Шукрки, болаларингиз бор. Бировдан ортиқ, бировдан кам, барака топкур.

— Сен аралашма. Аёл қиши эркакларнинг ишига қўшилса, путур кетади.

— Энди айтаман-да отаси, — онамиз куйиб-пишиб ёнимизни олардилар.

— Айтма! Ақл ўргатадиган отам аллақачон оламдан ўтган, — гапида давом этдилар, отам. — Агар фарзанд солиҳ бўлса, ота-онанинг бахти. Эшитмаганмисан машойиҳларнинг сўзини.

Осмондан тушса Исо,
Қилса ҳаққингга дуо!
То падар рози эмас,
Тавбанг қабул бўлмас сени!

— Шуни билларинг, аввало Исо осмондан тушмайди. Сендай ўзибилармон, кўча хандон фарзандларни дуо қилмайди. Борди-ю мен рози бўлмасам, ҳатто Розининг бувингнинг дуоси ҳам ўтмайди. Бу гаплар ўнгу сўл қулоқларингда муҳрлансин. Укдиларингми? Бор, ҳамманг иш-ишингни қил!

Отамизнинг ҳукмларини эшитиб, ҳаммамиз аҳиллик билан ишга киришдик. Биримиз молхона тозаласак, икинчимиз дошқозонга сув тўлғизишга киришдик. Акам сомон туширишуучун томга чиқди. Мен унга қараша кетдим.

Мана шу гапларга салкам қирқ йил бўляпти, ҳануз қулоғимда. Ахир, ота сўзи вожиб деб бежиз айтишмаган-ку.

Юнус ЗИЁДОВ

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ЧЕКИШ СОҒЛИҚ УЧУН ЗАРАР

ҲАММАГА МАЪЛУМ БУ ҲАҚИҚАТНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАЙМИЗ?

Наманган шаҳридаги Маданият саройида бўлиб ўтган тадбир давомида ана шу саволга жавоб изланди.

Маданият коллежи талабалари кашандаликнинг зарари, фожиалари ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этдилар. Газета-журналларда турли йилларда чоп этилган «Тутайдиган оғунинг иллатлари» ҳақидаги мақолалар, ҳатто шифокор ва тарбиячиларнинг маъруза матнлари кўргазмаси ташкил этилди.

— Бугунги тадбирдан жуда таъсирландим. Бирдан ташлай олмасам ҳам, секин-аста камайтирмасам бўлмаслигини чуқур ҳис қилдим — дейди муаллим **Муҳаммад Тожираҳимов.**

— Ўзим чекмаганим учун кашандаларга бепарво қарардим. Нега уларга таъсир ўтказмаслигимиз керак. Ахир чиндан ҳам чекиш жуда зарарли-ку. Яна сигарет тутуни чекаётган одамга қанча зиён қилса, атрофдагиларга ҳам шунча зарар. Гиёҳвандликдан, ичкиликбозликдан асраш ва асраниш учун сигарет чекувчиларга таъсир ўтказишимиз керак экан, — дейди **алоқа-транспорт коллежи талабаси Баҳодир Каримов.**

Тадбир ва унинг иштирокчилари кўтарган масала чиндан ҳам долзарб эди. Ўсмирлар, ҳатто хотин-қизлар ўртасида чекишга ружу қўяётганлар сони ошаётгани ташвишли ҳол албатта.

Назаримда бундай тадбирлар жойларда қанча кўп ўтказилса, шунча фойда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Андижон вилояти қон қуйиш станцияси жамоаси Тошкент шаҳар Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори Бакирхонов Козим Фотиҳовичга онаси

МАЪСУДА аянинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор

Исматулла АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

УРГАНЧ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

ҳур диёримизнинг фаровонлиги ва порлоқ келажаги учун астойдил меҳнат қилаётган педагог ва муҳандис-педагогларни ҳамда ўқувчи-талабаларни Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади!

Азиз устоз ўқитувчи-мураббийлар, ўқувчи ва талабалар!

Сизларни ушбу байрам билан яна бир бор қутлар эканмиз, юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлишини тилаб қоламиз. Ушбу кувончли онларда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамроҳ бўлсин.

Оллоҳ назари тушган юртимиздан тўкин-сочинлик ва қут-барака асло аримасин!





Республика акциядорлик-тижорат банки —

«ҒАЛЛАБАНК»

Бошқаруви ва жамоаси

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ — НАВРЎЗ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ, СОҒЛИҚ-САЛОМАТЛИК, БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ ВА ИШЛАРИГА РИВОЖ ТИЛАЙДИ. НАВРЎЗ ҲАММАМИЗГА БАХТ-САОДАТ, ФАРОВОНЛИК ВА МУВАФФАҚИЯТ ОЛИБ КЕЛСИН.

РАТБ «Ғаллабанк» минтақавий филиал ва филиалларида жисмоний шахслар учун жорий этилган омонатлар

Т/р	Омонат (депозит) номлари	Депозит тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлар
1	2	3	4	5	6	7
1	Талаб қилиб олгунча	Талаб қилиб олгунча	муддатсиз	4,2	100	Талаб қилиб олингунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади.
2	«Имконият»	муддатли	6 ой	28,8	10 000	Омонат муддати тугаганидан сўнг маблағни уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль, турар-жойлар сотиб олишга ишлатилади, ойига 2,4% устама ҳисобланади.
3	«Саломатлик»	муддатли	11 ой	31,2	10 000	Ойига 2,6% устама ҳисобланади ва фақат саёҳатга чиқиш, саломатликни тиклаш учун сарфланади.
4	«Нафақа-мададкор»	муддатли	1 йил	28,8	10 000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 2,4% устама берилади.
5	«ORZU»	муддатли	3 ой	30,0	10 000	Ойига 2,5% устама ҳисобланади ва омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади. Омонатга пул маблағлари 2005 йилнинг 15 мартидан 15 апрелига қадар қабул қилинади.
6	«Қувонч»	муддатли	3 ой-3 йил	26,4-32,4	10 000-5 000 000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан 26,4%дан 32,4%гача устама тўлашга келишилади.
7	«Барака»	муддатли	3 ой-3 йил	27,6-33,6	5 000 000-10 000 000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан 27,6%дан 33,6%гача устама тўлашга келишилади.
8	«Капитал-плюс»	муддатли	3 ой-3 йил	28,8-34,8	10000000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан 28,8%дан 34,8%гача устама тўлашга келишилади.
9	«Меҳригиё»	жамғармали	18 ёшгача	18,0	10 000	Йилига 18,0%дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.
10	«Kelajak»	жамғармали	16 ёшгача	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10 000	Қўшимча фоиз омонат банк томонидан қабул қилинган кунда амалда бўлган МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Омонат суммаси 16 ёшгача сақланади.
11	«Коммунал омонати»	муддатли	3 ой ва ундан юқори	33,6	100 000	Аҳоли уй-жой, коммунал тўлов хизматлари ва электр тўловларини қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган. Йилига 33,6% миқдорида устама тўланади, коммунал тўловлар омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

«ҒАЛЛАБАНК» — ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 254

11400 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 22.30
Topshirish vaqti — 22.20
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda